

النبذة النحوية في أسئلة الآجرومية

(АЖУРРУМИЯ САВОЛЛАРИДА НАҲВИЙ ЛАВҲА)

www.arabic.uz

Таржимон:
Анвар Аҳмад

Мусахҳиҳ:
Афзалжон Аббасов

Тошкент
2014

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МУҚАДДИМА

Наҳв (نحو) сўзи кўп маънолар учун ишлатилади, улар: касд, томон, мисл (ўхшаш), миқдор.

Наҳв илмининг таърифи: эъроб ва бино жиҳатидан калималар охирларининг ҳолатларини билиш асосларини ўргатувчи илм.

Мавзуси: эъроб ва бино жиҳатидан охирларида ўзгаришлар ориз бўлувчи араб калималари.

Самараси: Каломда тилни хатодан сақлаш, Аллоҳнинг каломини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини фаҳмлашни осонлаштириш.

Асосчиси: Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг буйруқлари ила Абул Асвад Дуалий.

КАЛОМ БОБИ

Савол: Луғат ва истилоҳ жиҳатидан калом нима?

Жавоб: Калом – луғатда инсоннинг сўзлаган нарсаси бўлиб, озми кўпми маъно англатадими? Ёки англатмайдими? Фарқи йўқ. Шунингдек ишора қилиш, ёзиш ва шу кабилар ила бирор маъно тушунилган нарса ҳам каломдир.

Калом истилоҳда қуйидаги тўрт нарсани жамлаган бўлади:

1. Лафз бўлиш.
2. Мураккаб бўлиш.
3. Маъно ифодалаш.
4. Арабий тилда истеъмолга таъйин қилиниш.

С: Каломнинг лафз бўлишининг маъноси нима?

Ж: Аввали **ا** охири **ي** бўлган ҳижойй ҳарфларнинг баъзисидан ташкил топган овоз бўлиши.

С: Унинг мураккаб бўлишининг маъноси нима?

Ж: Икки ёки ундан кўп калималардан ташкил топиши, масалан: **قَامَ زَيْدٌ، قَدْ قَامَ زَيْدٌ** каби.

С: Унинг маъно ифодалашининг маъноси нима?

Ж: Уни сўзлаган инсоннинг гапи тугагач эшитувчи инсон гап тугаши учун бошқа нарсани кутмайдиган даражада ўша каломни сўзлаган мутакаллимнинг каломдан тўхташининг гўзал бўлишидир.

(Изоҳ: тушуниб олиш учун мисол келтирамиз:

*Масалан: **قَامَ زَيْدٌ** Зайд турди. Бу мисолда ушбу гапни эшитган инсон тўлиқ маъно тушуниб олади ва мутакаллимдан гапни тугатишини кутмайди, зеро гап аслида тугади. Энди **كَانَ زَيْدٌ فِي ...** да, бу мисолда эшитувчи тўлиқ маъно тушуна олмайди ва мутакаллимдан Зайднинг қаерда эканлигини эшитишни кутиб туради.*

Мутакаллим бу ўринда жим бўлиши ўринли ва гўзал бўлмайди).

С: Арабий тилда истеъмолга таъйин қилинишининг маъноси нима?

Ж: Каломда ишлатилувчи лафзлар араблар томонидан ишлатилган лафзлар бўлиб, маънолардан бирор маънога далолат қилиши керак. Ажамлар тарафидан айтилган сўзлар калом бўлмайди.

(Изоҳ: Масалан араблар туяни جَمَلٌ дейдилар, бу уларнинг лафзи. Мана шундай лафзлардан ташкил топган нарса калом дейилади. Аммо мисол учун инглиз тилида “good morning” (хайрли тонг) дегани, калом ҳисобланмайди, чунки у араб тилида эмас).

С: Каломнинг қисмлари нечта, уларни санаб беринг?

Ж: Улар учта: исм, феъл ва маъно учун келган ҳарф.

С: Исм луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Исм луғат жиҳатидан номланаётган ашёга далолат қилган нарсадир. Истилоҳда эса, ўзидаги маънога далолат қилиб, бирор замон билан боғлиқ бўлмаган нарсадир. Масалан: اِسْمٌ исми. Ушбу исмнинг маънога далолати замон билан боғлиқ эмас.

С: Исм неча қисмга бўлинади, уларни санаб беринг?

Ж: Улар: зоҳир (кўриниб турган) исм, музмар (дамир, олмош) исм ва мубҳам (ноаниқ) исм.

С: Зоҳир исм нима?

Ж: Зоҳир исм ўз маъносига бирор қарийнага ҳожати бўлмаган ҳолда далолат қилган исмдир.

Масалан: خَالِدٌ, у ўз номланувчисига далолат қилиб, қарийнага ҳожати тушмаган ҳолдадир.

С: Музмар (дамир, олмош) исм нима?

Ж: Музмар исм ўз маъносига мутакаллим, яъни сўзловчилик қарийнаси ила, масалан: أَنَا каби.

Мухотаб, яъни мурожат қилинганлик қарийнаси ила, масалан: أَنْتَ каби.

Ғоиблик, яъни сўзланаётганлик қарийнаси ила, масалан: هُوَ каби далолат қилишидир.

С: Мубҳам исм нима?

Ж: Мубҳам исм шундай исмки, унинг бир ўзидан сўзловчи ирода қилган маъно юзага келмайди.

Масалан: الَّذِي، هَذَا.

С: Феъл луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Феъл луғатда “рўй бериш” маъносидадир.

Истилоҳда эса, феъл ўзидаги маънога далолат қилган ҳолда уч замондан бири ила боғлиқ бўлади.

Уч замон: мозий (ўтган), хол (ҳозирги) ва истиқбол (келажак) замондир.

Масалан: كَتَبَ (ёзди), يَكْتُبُ (ёзаяпти, ёзади), اُكْتُبُ (ёз).

С: Феъл неча қисмга бўлинади, уларни санаб беринг?

Ж: Улар: мозий (ўтган замон), музореъ (ҳозирги ва келаси замон), амр (буйруқ маъносидаги ҳозирги замон).

С: Мозийнинг таърифи қандай?

Ж: Бўлиб ўтган “рўй бериш”га далолат қилган ҳолда сўзлаш давригача тўхтаган нарса "мозий", дейилади.

Масалан: كَتَبَ каби.

С: Музореънинг таърифи қандай?

Ж: Сўзлаш замонида ёки ундан кейин “рўй бериш”га далолат қилган нарса "музореъ", дейилади.

Масалан: يَكْتُبُ каби.

С: Амрнинг таърифи қандай?

Ж: Сўзлаш замонидан кейин ҳосил бўлиши талаб қилинган “рўй бериш”га далолат қилган нарса "амр", дейилади.

Масалан: اُكْتُبُ каби.

С: Ҳарф, луғат ва истилоҳ жиҳатидан қандай номланади?

Ж: Ҳарф луғат жиҳатидан “тараф” деганидир. Истилоҳда ўзидан бошқадаги маънога далолат қилган нарсадир.

Масалан: مِنْ. Бу ҳарф ибтидога, яъни “бошланиш”га “келиб чиқиш”га далолат қилади ва (...дан), деган маънони англатади. Аммо бошқа нарсага кўшилмагунча тўлиқ бўлмайди.

Масалан: دَهَبْتُ مِنَ الْبَيْتِ (Уйдан кетдим) каби.

С: Ҳарф неча қисмга бўлинади, уларни таърифлаб, санаб беринг?

Ж: Ҳарф уч қисмга бўлинади:

1. Исмлар ва феъллар орасида муштарак ҳарфлар. Ушбу ҳарфлар исмга ҳам, феълга ҳам кириши жоиздир.

Исмга киришига мисол: هَلْ زَيْدٌ فَائِمٌ каби.

Феълга киришига мисол: هَلْ قَامَ زَيْدٌ каби.

2. Исмларга хос ҳарфлар. Улар фақатгина исмга киради. Масалан жор ва қасам ҳарфлари.

3. Феълларга хос исмлар. Улар фақатгина феълларга киради, масалан насб, жазм адотлари ва فَدٌ каби.

С: Исмнинг аломатлари нима?

Ж: Касра олиш, танвин олиш, маърифа ال кириши, унга жор ҳарфларининг кириши.

С: Жор луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Луғатда “тортувчи” маъносида келади.

Истилоҳда жорнинг омили пайдо қилувчи касра ёки унинг ўрнини босувчи нарса жордир.

Касрага мисол: مَرَزْتُ بِعَمْرٍو

Унинг ўрнини босувчига мисол: مَرَزْتُ بِالزَّيْدَيْنِ (Икки Зайдни кўрдим).

(Изоҳ: иккинчи мисолда بِالزَّيْدَيْنِ даги ي касранинг ўрнини босган).

С: Танвин луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Танвин луғат жиҳатидан овоз чиқариш, қуш сайраганда نَوْنَ الطَّائِرُ (Қуш сайради) дейилади.

Истилоҳда, исмнинг охирига лафзан қўшилувчи сукунли ن бўлиб, ёзувда кўринмайди.

Мисол: مَرَزْتُ بِزَيْدٍ.

С: Қуйидаги жор ҳарфлари нималарга далолат қилади:

مِنْ، إِلَى، عَنْ، عَلَى، فِي، رَبِّ، بِ، كَ، لِ

Ж: مِنْ кўп маъноларга далолат қилади.

Масалан, ибтидога, яъни “бошланиш”га далолат қилади. Ҳамда “келиб чиқиш”га (...дан) далолат қилади.

Мисол: سَافَرْتُ مِنَ الْقَاهِرَةِ (Қоҳирадан сафарга чиқдим).

إِلَى кўп маъноларга далолат қилади.

Масалан интиҳога, яъни “тугаш”га, “бориб тақалиш”га далолат қилади.

Масалан: سَافَرْتُ إِلَى مَكَّةَ (Маккага сафарга чикдим).

عَنْ кўп маъноларга далолат қилади, масалан мужовазага, яъни “ошиб ўтиш”га далолат қилади.

Мисол: رَمَيْتُ السَّهْمَ عَنِ الْقَوْسِ (Камондан ўкни уздим).

عَلَى кўп маъноларга далолат қилади.

Масалан истеълога, яъни “устун туриш”га далолат қилади. Мисол: عَلَوْتُ عَلَى الْجَبَلِ (Тоққа чикдим).

فِي кўп маъноларга далолат қилади.

Масалан зарфийликка, яъни “ичида бўлиш”га далолат қилади. Мисол: الْمَاءُ فِي الْكُوزِ (Сув кўзада).

رُبَّ кўп маъноларга далолат қилади. Масалан, тақлийлга, яъни “озайтириш”га далолат қилади.

Мисол: رُبَّ امْرَأَةٍ خَيْرٌ مِنْ رَجُلٍ (Гоҳида аёл эркакдан яхши).

بِ кўп маъноларга далолат қилади. Масалан таъдияга, яъни “таъсири ўтиш”га далолат қилади.

Мисол:

مَرَزْتُ بِالْوَادِي (Водийдан ўтдим).

كَ кўп маъноларга далолат қилади. Масалан ташбийҳга, яъни “ўхшатиш”га далолат қилади.

Мисол: زَيْدٌ كَالْأَسَدِ (Зайд шердек).

لِ кўп маъноларга далолат қилади. Масалан мулкка, яъни “эғалик қилиш”га далолат қилади.

Мисол: الْمَالُ لِرَيْدٍ (Сув Зайдники). Яна истихқоққа, яъни “мустаҳиқ бўлиш”га далолат қилади.

Мисол: الْحَمْدُ لِلَّهِ (Ҳамд Аллоҳга).

Яна ихтисосга, яъни “хос бўлиш”га далолат қилади.
Мисол: الْبَابُ لِلدَّارِ (Эшик ҳовлиники).

Ушбу жор ҳарфлари “хафз” (حَفْظٌ) ҳарфлари деб ҳам номланади.

С: Қасам ҳарфлари нималар?

Ж: Қасам ҳарфлари ушбулардир: وَ، ب، ت.

С: Қасам وَ и исмларнинг қайси турига кириши ила хосланади?

Ж: Қасам وَ и фақатгина зоҳир исмларга кириш ила хосланади.

Масалан: وَاللَّهِ каби.

С: Қасам بِ си бир турли лафзга кириб, бошқасига кирмаслик ила хосладими?

Ж: Қасам بِ си барча исмларга киради.

Масалан зоҳир исмга ҳам киради: بِاللَّهِ لِأَجْتَهِدَنَّ (Аллоҳга қасамки албатта фаол бўламан).

Замирга ҳам: يَا رَبِّ لِأَجْتَهِدَنَّ بِكَ (Сен ила қасам эй Роббим албатта фаол бўламан).

С: Феълнинг аломатлари нима?

Ж: Феълнинг аломатлари **قَدْ**، **سَ**، **سَوْفَ** сукунли таънис **ت**си.

С: Феълнинг аломатлари неча қисмга бўлинади ва улар нималар?

Ж: Уч қисмга бўлинади:

1. Мозийга хос қисм.
2. Музореъга хос қисм.
3. Икковлари орасида муштарак қисм.

С: Мозийга хос бўлган икки аломат нима?

Ж: Улар сукунли таънис **ت**си ва фоил **ت**си бўлади.

Сукунли таънис **ت**сига мисол: **ضَرَبْتُ**.

Фоил **ت**сига мисол: **ضَرَبْتُ**, замма, фатҳа ва касра ила бўлади.

С: Музореъга хос бўлган икки аломат нима?

Ж: Улар **سَ** ва **سَوْفَ**. Мисоллар: **سَيَعُومُ** ва **يَعُومُ**.

Феълларга хос бўлган насб ва жазм қилувчи ҳарфларни “Ажуррумия” мусаннифи раҳимаҳуллоҳ бу ўринда зикр қилмаганлар, улар, Аллоҳ насиб қилса кейин келади.

С: Мозий ва музореъ орасида муштарак бўлган аломат нима?

Ж: Бу аломат **قَدْ**.

С: **قَدْ** далолат қиладиган маъноларни зикр қилиб ўтинг.

Ж: **قَدْ** икки маънога далолат қилади:

1. Таҳқийқ, яъни бир ишни ҳақиқатда вужудга келганини, амалга ошганини билдиради.

Масалан ушбу оят: **قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ** (Батаҳқиқ, мўминлар нажот топдилар) (Мўъминун сураси, 1-оят).

2. Тақрийб, яъни яқинлаштиришни билдиради.

Масалан: **قَدْ قَامَتِ الصَّلَاةُ** (Батаҳқиқ намоз қоим бўлди).

Бу ҳолатлар феъл мозий бўлганда амалга ошади.

Музореъ феъли билан келганда яна икки маънога далолат қилади:

1. Таклийл, яъни камайтириш маъносида.

Масалан: **قَدْ يَصْدُقُ الْكَذُوبُ** (Ёлғончи камдан – кам рост гапиради).

2. Таксийр, яъни кўпайтириш маъносида.

Масалан: **قَدْ يَفْعَلُ التَّقِيُّ الْحَيْرَ** (Тақводор кўп яхшилик қилади).

С: **سَ** ва **سَوْفَ**ларнинг маъноси нима?

Ж: Икковларининг маъноси феълни тезда воқеъ бўлишига далолат қилади, фақат س ҳарфи سَوْفдан кўра яқинроқ келажакка далолат қилади.

С: Амрнинг аломати нима?

Ж: Талабга далолат қилган ҳолида мухотаб يси ҳамда ташдидли ва ташдидсиз тавкид ىни қабул қилишидир.

Масалан: قُمْ каби.

С: Ҳарф нима билан исм ва феълдан фарқ қилади?

Ж: Ҳарфда исмнинг ҳам феълнинг ҳам аломатлари бўлмайди, масалан жор ҳарфларидан бўлган مِنْ ҳарфи نни ҳам танвинни ҳам қабул қилмайди. Унга бошқа ҳарфлар кирмайди. У قَدْ، س، سَوْف сукукли таънис تси ва фоил тларини қабул қилмайди.

ЭЪРОБ БОБИ

С: Луғат ва истилоҳ жиҳатидан эъроб нима?

Ж: У луғатда изҳор қилиш, очиб беришдир. Масалан, أَعْرَبْتُ عَمَّا فِي نَفْسِي (Ўз нафсим ҳақида айтиб бердим) дейсан.

Истилоҳда калималарнинг охирини уларга кирувчи омилларнинг турлича бўлишига биноан лафзан ёки такдиран ўзгаришига айтилади.

С: Калималарнинг охири ўзгариши, деб нимага айтилади?

Ж: Омиллар тақозо қилган ҳолатда, яъни рафъга, насбга, жорга ва жазмга ҳаракатларни ўзгартиришдир.

С: Ушбу ўзгариш неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Улар нима?

Ж: Лафзий ва тақдирий.

С: Лафзий ўзгариш нима?

Ж: Уни нутқ қилишга бирорта монёъ бўлмаслиги лафзий ўзгаришдир.

Масалан زَيْدٌ сўзидаги ذ ҳарфи каби:

جَاءَ زَيْدٌ، رَأَيْتُ زَيْدًا، مَرَرْتُ بِزَيْدٍ.

С: Тақдирий ўзгариш нима?

Ж: Уни нутқ қилишга бирорта монёъ бўлиши.

С: Тақдирий ўзгаришнинг сабаблари нечта ва улар қандай?

Ж: Тақдирий ўзгаришнинг сабаблари учта:

1. Калиманинг охирида ا бўлгани учун ҳаракатларнинг зоҳир бўлишининг иложсиз бўлишидир.

Масалан الْقَتَى сўзида охиридаги алифи мақсурада ҳеч қандай ҳаракат зоҳир бўлиши мумкин эмас.

2. Охири ي бўлган калиманинг рафъ ва жор ҳолатларида талаффуз қилиш тилга оғир келиши.

Масалан الْقَاضِي сўзидаги ي да бўлган замма ва касрани талаффуз этиш аслида мумкин, аммо талаффузга оғир келади. Фатҳа эса бу ўринда талаффузи енгил бўлгани учун талаффуз қилинади, мисол: رَأَيْتُ الْقَاضِيَّ каби.

3. ي мутакаллимга изофа қилинганда унга муносиб бўлиши, мисол: غَلَامِي.

С: Мўъроб нима?

Ж: Охири омиллар сабабидан лафзан ёки тақдиран ўзгарган нарса.

С: Бино луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима ва мабний нима?

Ж: Бино собитлик ва лозимлик жиҳатидан бир нарсанинг устига бошқасини қўйишдир.

Истилоҳда омилга ва иллатли бўлишга асосланмаган ҳолда калиманинг охири бир ҳолатни лозим тутишидир. Иллатли бўлишга мисол كُمْ даги مнинг сукунни лозим тутиши. Мабний бу омил ва иллатга қарамасдан охири бир ҳолатни лозим тутган калима.

С: Эъробнинг навълари нечта ва улар нима?

Ж: Эъроб навълари тўртта, улар: рафъ, насб, жор, жазм.

С: Рафъ луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Рафъ луғатда “баландлик” ва “кўтарилиш” маъноларида келади.

Истилоҳда, аломати замма ёки унинг ўрнини босувчи бўлган махсус ўзгаришдир.

С: Насб луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Насб луғатда “тенглашиш” ва “истиқомат” маъносида келган.

Истилоҳда аломати фатҳа ёки унинг ўрнини босувчи бўлган махсус ўзгаришдир.

Насб исмда воқеъ бўлади, масалан: **إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ** каби.

Феълда ҳам воқеъ бўлади, масалан:

لَنْ أَحِبَّ الْكَسَلَ (Дангасаликни ҳеч ҳам ёқтирмайман).

С: Жор луғат ва истилоҳда нима?

Ж: Луғатда “тортиш” маъносидадир.

Истилоҳда, аломати касра ёки унинг ўрнини босувчи бўлган махсус ўзгариш бўлиб, фақатгина исмда бўлади.

Масалан: **مَرَرْتُ بِزَيْدٍ** каби.

С: Жазм луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Луғатда “кесиш” маъносида келади.

Истилоҳда, аломати суқун ёки унинг ўрнини босувчи бўлган махсус ўзгариш бўлиб, музореъ феълида бўлади, мисол: $\text{لَمْ يَفْعَمْ زَيْدٌ}$, амр феълида бўлади, мисол: فَعْم (Тур!).

С: Эъроб навъларидан қай бирида исм ва феъл муштаракдир?

Ж: Рафъ ва насбда икки навъ муштаракдир. Исмдаги рафънинг мисоли: زَيْدٌ قَائِمٌ дир.

Музореъ феълида рафънинг мисоли: يَفْعُومُ زَيْدٌ дир.

Исмда насбнинг мисоли: $\text{إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ}$ дир.

Музореъ феълида насбнинг мисоли: $\text{لَنْ يَفْعُومَ زَيْدٌ}$ дир.

С: Эъроб навъларидан исмга хос бўлгани нима?

Ж: Жор.

С: Эъроб навъларидан феълга хос бўлгани нима?

Ж: Жазм.

ЭЪРОБ АЛОМАТЛАРИНИ БИЛИШ БОБИ

С: Нечта ўринда замма рафъга аломат бўлади ва улар қайсилар?

Ж: Улар: исми муфрад, жамъи таксийр, жамъи муаннаси солим ва охирига ҳеч нарса ёпишмаган музореъ феъли.

С: Бу ерда исми муфраддан мақсад нима?

Ж: Мусанно ҳам, жамъ ҳам, икковига мулҳақ қилинган ҳам ва асмой хомса ҳам бўлмаган исм.

С: Жамъи таксийр нима?

Ж: Муфрад сийғаси ўзгарган ҳолда иккитадан кўп нарсага далолат қилган исм.

С: Жамъи таксийрда ўзгаришлар нечта навъда бўлади, улардан мисоллар келтиринг?

Ж: Жамъи таксийрда ўзгаришлар олтита:

1. Фақат шаклда ўзгариш, мисол **أَسَدٌ** (Шер) – **أَسْدٌ**.
2. Фақат нуқсонга учраш ила, мисол: **تُهْمَةٌ** (Тухмат) – **تُهْمٌ**.
3. Фақат зиёда бўлиш ила, мисол: **صِنْوٌ** (Нусха) – **صِنَوَانٌ**.
4. Шаклда ўзгариш ва нуқсонга учраш ила, мисол: **سَرِيرٌ** (Каравот) – **سُرُرٌ**, бу мисолда шаклнинг ўзгариши муфрадда **س** фатҳали, жамъда заммали эканлигида, нуқсонга учраши **ي** ҳазф бўлишидадир.

5. Шаклда ўзгариш ва зиёда бўлиш ила, мисол: سَبَبٌ (Сабаб) – أَسْبَابٌ, бу мисолда س жамъда сукунли, муфрадда фатҳали, зиёдалиги жамъда “ҳамза” ва ا зиёда бўлгани.

6. Шаклда, зиёдалик ва нуқсонда ўзгаришга учраши, мисол: كَرِيمٌ – كُرْمَاءٌ, бу мисолда ك муфрадда фатҳали, жамъда заммали бўлгани ҳамда ر муфрадда касрали, жамъда фатҳали бўлгани шаклда ўзгаришдир. Зиёдаликка учраш жамънинг охирида чўзиқ ا борлиги ва муфрадда унинг йўқлиги. Нуқсонга учраши муфраддаги يнинг жамъда тушиб қолиши.

С: Жамъи муаннаси солим нима?

Ж: Иккитадан кўп бўлган нарсага охирида ا ва ت харфлари зиёдаси ила далолат қилган исм.

С: Музореъ феъли қачон замма ила рафъ қилинади?

Ж: Унга тасния و, жамъ و, муаннас мухотаб يси, ташдидли ёки ташдидсиз тавкид و ва нисва (аёллик) و ёпишмаганда рафъ қилинади, мисол: يَتُومُ زَيْدٌ.

С: Музореъ феълига тасния و, жамъ و, муаннас мухотаб يси ёпишгандаги ҳукми нима?

Ж: Бунда وнинг собитлиги рафъ аломати бўлади.

С: Музореъ феълига тавкид **ни** ёпишганда ва киришгандаги ҳукми нима?

Ж: Унинг ҳукми фатҳага бино бўлиш, мисол:
لَيْسَجَنَّ وَلَيَكُونَنَّ مِنَ الصَّاعِرِينَ (Албатта уни зондонбанд қиламанки бўйин эгувчилардан бўлади) (Юсуф сураси, 32-оят).

С: Музореъ феълига нисва (аёллик) **ни** ёпишгандаги ҳукми нима?

Ж: Сукунга бино бўлиши, мисол: **يَرْضَعَنَّ** (Эмизадилар).

С: Нечта ўринда **у** рафъ аломати бўлади ва улар нима?

Ж: Улар: жамъи музаккари солим ва асмои хомса.

С: Жамъи музаккари солим нима?

Ж: Жамъи музаккари солим шундай исмки, унинг охирига зиёда қўшилади ва ўша зиёдадан у холий бўла олади, жамъи музаккари солимга ўхшаганлар унга атф қилинади, мисол: **فَامَ الرَّيْدُونَ** каби.

С: Асмои хомсаларни зикр қилинг?

Ж: Улар:

أَبُوكَ، أَخُوكَ، حَمُوكَ، فُوكَ، دُو مَالٍ.

С: Асмой хомса заммани ўрнини босувчи ҳолида و ила рафъ бўлиши учун нима шарт қилинган?

Ж: Тўрт нарса шарт қилинади:

1. Муфрад бўлиши.
2. Тасғийр сийғасида бўлмаслиги.
3. Музоф бўлиши.
4. Изофаси мутакаллим يга бўлмаслиги.

С: Асмой хомса жамъи таксир сийғасида жамъ қилинган бўлса қандай эъробланади?

Ж: Зоҳир ҳаракатлар ила, мисол:

وَأَبَاءُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ لَا تَدْرُونَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ لَكُمْ نَفْعًا (оталарингиз ва болаларингиздан қайси бирлари сизга манфаатлироқ эканини билмассизлар) (Нисо сураси, 11-оят).

С: Асмой хомса мусанно бўлса қандай эъробланади?

Ж: Мусаннонинг эъроби ила эъробланади. Рафъ ҳолатида ا ила, насб ва жор ҳолатида ي ила.

Рафъга мисол: أَبَوَاكَ رَبِّيَاكَ (Ота — онанг сени тарбиялаганлар)/

Насб ҳолатига мисол: **وَرَفَعَ أَبْوَيْهَ عَلَى الْعَرْشِ** (Ва ота-онасини тахтга кўтарди) (Юсуф сураси, 100-оят).

Жор ҳолатига мисол: **فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخْوَيْكُمْ** (Бас, икки биродарингиз ўртасини ислоҳ қилинг) (Ҳужурот сураси, 10-оят).

С: Асмой хомсалар тасғийр қилинган бўлса қандай эъробланади?

Ж: Зоҳир ҳаракатлар ила эъробланади.

Рафъга мисол: **هَذَا أَبِي وَأُخِي**, насбга мисол: **رَأَيْتُ أَبِيَّ وَأُخِيَّ**, жорга мисол: **مَرَرْتُ بِأَبِيَّ وَأُخِيَّ**.

С: Асмой хомса **ي** мутакаллимга изофа қилинган бўлса қандай эъробланади?

Ж: **ي** мутакаллимдан олдин бўлган тақдирдаги ҳаракат ила. Уни зоҳир бўлишидан ўринни муносиб ҳаракат, яъни **ي** мутакаллимнинг ҳаракати эгаллаганлиги манъ қилган, мисол: **حَضَرَ أَبِي وَأُخِي** (Отам ва акам ҳозир бўлдилар).

С: **و**да хоссатан нима шарт қилинган?

Ж: Икки нарса шарт қилинган:

1. **صَاحِبٌ** маъносида бўлиши.

2. Васф бўлмаган зоҳир исми жинсга музоф бўлиши, мисол: **جاء دُو مَالٍ** (Мол эгаси келди).

С: **فُوك**да хоссатан нима шарт қилинган?

Ж: **م**дан холий бўлиши шарт қилинган. Агар **م**дан холий бўлмаса зоҳир ҳаракатлар ила эъробланади, мисол: **فَم**.

С: Нечта ўринда **ا** калиманинг рафъ эканлигига аломат бўлади?

Ж: Бир ўринда, у мусаннодир.

С: Мусанно нима?

Ж: Охирида зиёда ила иккита нарсага далолат қилган ҳар бир исм. Мусаннога ҳеч нарса мулҳақ бўлмайди ва унинг ўзи ҳам ҳеч нарсага мулҳақ қилинмайди.

Масалан: **أَقْبَلَ الزَّيْدَانِ وَالْهِنْدَانِ** (Икки зайд ва икки Ҳинд келдилар).

С: Нечта ўринда **ن** калиманинг рафъ эканлигига аломат бўлади?

Ж: Бир ўринда.

С: У қайси ўрин?

Ж: Бу ўрин музореъ феъли бўлиб, ушбу феъл тасния ا iga, жамъ وига ва мухотаба يига муснад қилинганда ن калиманинг рафъ эканлигига аломат бўлади.

Тасния ининг ғоиб сийғасига, мисол: الصَّادِقَانِ يُسَافِرَانِ عَدَا (Икки дўст эртага сафар қиладилар).

Мухотаб сийғасига мисол: أَنْتُمَا تَنْجَحَانِ عَدَا (Икковингиз эртага муваффақият қозонасиз).

Жамъ ининг ғоиб сийғасига мисол: هُمْ يَفُومُونَ.

Мухотаб сийғасига мисол: أَنْتُمْ تَنْجَحُونَ.

Мухотаба يига мисол: أَنْتِ تَفُومِينَ يَا هِنْدُ (Сен тураяпсан эй Ҳинд).

С: Тасния ига муснад қилинган музореъ феъли нима ила ажратилади?

Ж: Музореъ феъли ي ила бошланганда ғоиб сийғасига далолат қилади, мисол: هُمَا يَفُومَانِ ت билан бошланганда мухотаб сийғасига далолат қилади, мисол: أَنْتُمَا يَا زَيْدَانِ تُسَافِرَانِ (Эй Зайдлар эртага икковингиз сафар қиласизлар) каби.

С: Афъоли хомса нима?

Ж: Улар:

يُفَعَلَانِ، تَفَعَلَانِ، يَفْعَلُونَ، تَفْعَلُونَ، تَفْعَلِينَ يَا هِنْدُ.

НАСБ АЛОМАТЛАРИ

С: Нечта ўринда фатҳа насб аломати бўлади ва улар қайсилар?

Ж: Уч ўринда насб бўлади:

1. Исми муфрад.
2. Жамъи таксийр.
3. Охирига ҳеч нарса ёпишмаган ҳолда унга насб қилувчи ҳарф кирган музореъ феъли.

С: Уларнинг ҳар бирига мисол келтиринг.

Ж: Муфрадга мисол: لَقِيْتُ زَيْدًا (Зайдга йўлиқдим), бу фатҳа зоҳир бўлган ҳолатга мисол.

لَقِيْتُ الْفَتَى (Йигитга йўлиқдим), бу фатҳа тақдирда бўлганга мисол.

Жамъи таксийрга мисол: صَاحِبُ الرِّجَالِ (Эркаклар билан суҳбатда бўлдим), бу фатҳа зоҳир бўлган ҳолатга мисол.

وَتَرَى النَّاسَ سُكَارَى (Одамларни маст ҳолда кўрарсан) (Ҳаж сураси, 1-оят) бу фатҳа тақдирда бўлганга мисол.

Музореъ феълига мисол: لَنْ نَبْرَحَ عَلَيْهِ عَاكِفِينَ (Унга ибодат қилишда бардавом бўламиз) (Тоҳа сураси, 91-оят).

С: Тасния "алиф"и ёки жамъ "вов"и ёки мухотаба "йо"си ёпишган музореъ феълини нима насб қилади?

Ж: Феълнинг охиридаги ўнинг ҳазфи насб қилади.

Масалан:

لَنْ يَضْرِبَا، لَنْ تَضْرِبُوا، لَنْ تَضْرِبِي يَا هِنْدُ.

С: Тавкид ўи ёки аёллик ўи ёпишиб келган ҳолда ундан олдин насб қилувчи ҳарф келган музореъ феълнинг ҳукми қандай?

Ж: Унга ўи тавкид ёпишиб келса фатҳага бино қилинади. Масалан: لَنْ تَذْهَبَنَّ (Кетмайсан). Унга аёллик ўи ёпишиб келса сукунга бино қилинади.

Масалан: لَنْ تَضْرِبَنَّ زَيْنًا (Зайдни асло урма).

С: Нечта ўринда алиф фатҳанинг ўрини босади?

Ж: Бир ўринда.

С: У қайси?

Ж: У ўрин асмой хомсадир.

Масалан:

رَأَيْتُ أَبَاكَ وَأَخَاكَ وَحَمَاكَ وَفَاكَ وَذَا مَالٍ каби.

С: Нечта ўринда касра насб аломати бўлади?

Ж: Бир ўринда.

С: У қайси?

Ж: Жамъи муаннаси солим.

Масалан: رَأَيْتُ الْهِنْدَاتِ (Ҳинд исмли қизларни кўрдим).

С: ي қачон насбга аломат бўлади?

Ж: Икки ўринда.

С: Улар қайсилар?

Ж: Тасния ва жамъи музаккари солимда. Таснияга мисол: اشْتَرَيْتُ كِتَابَيْنِ (икки китоб сотиб олдим), жамъи музаккари солимга мисол: إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي جَنَّاتٍ (Албатта, тақводорлар жаннатлар ва нозу неъматлар ичидадирлар) (Тур сураси, 17-оят).

С: Жамъ يси ва тасния يси орасидаги фарқ нима?

Ж: Жамъ يسидан олдинги ҳарф касрали, ундан кейинги ҳарф фатҳали бўлиб يнинг сукуни зоҳир бўлмайди. Тасния

ي сидан олдинги ҳарф фатҳали, кейинги ҳарф касрали бўлиб,
ي нинг сукуни зоҳир бўлади.

С: Нечта ўринда **ي** нинг ҳазфи насбга аломат бўлади?

Ж: Бир ўринда.

С: У қайси?

Ж: Рафъ ҳолати **ي** нинг собитлиги ила бўлган афъоли хомсада.

Масалан: **يَسُرُّنِي أَنْ تَحْفَظُوا دُرُوسَكُمْ** (Дарсларингизни ёд олишингиз мени хурсанд қилади).

ЖОР АЛОМАТЛАРИ

(Жор аломатлари "касра", "йо" ва "фатҳа")

С: Нечта ўринда касра калиманинг жор бўлганига аломат бўлади?

Ж: Уч ўринда.

С: Уларни зикр қилинг?

- Ж:** 1. Мунсариф муфрад исм.
2. Мунсариф жамъи таксийр.
3. Жамъи муаннаси солим.

С: Исм мунсариф муфрад бўлишининг маъноси нима?

Ж: Мунсариф бу сарфланишдир, яъни калиманинг охирига танвин мулҳақ бўлиб, уланиши мумкинлигидир.
Масалан: **مَرزُتٌ بِرَيْدٍ**.дир.

С: Жамъи таксийрнинг мунсариф бўлишининг маъноси нима?

Ж: Бунда ҳам калиманинг охирига танвин мулҳақ бўлиши мумкинлигидир.

Масалан: **مَرزُتٌ بِرِجَالٍ كِرَامٍ** (Карамли инсонлар олдидан ўтдим).

С: Жамъи муаннаси солимнинг касра ила жор бўлишига мисол келтиринг?

Ж: **مَرزُتٌ بِالْهِنْدَاتِ** (Ҳинд исмли аёллар олдидан ўтдим).

С: Нечта ўринда **ي** калиманинг жор эканлигига аломат бўлади?

Ж: Уч ўринда.

С: Улар нима?

Ж: Асмой хомса, тасния ва жамъи музаккари солим.

С: Жор ҳолатида тасния **ي**си ва жамъи музаккари солим **ي**си орасидаги фарқ нима?

Ж: Жамъ **ي**сидан олдинги ҳарф касрали, ундан кейинги ҳарф фатхали бўлиб **ي**нинг сукуни зоҳир бўлмайди. Тасния **ي**сида бунинг тескариси бўлади.

С: Жор ҳолатидаги асмой хомсаларга мисол келтиринг.

Ж: **مَرَزْتُ بِأَيِّكَ وَأَخِيكَ وَحَمِيكَ** (Отанг, аканг ва қайнотангни олдидан ўтдим)

مَرَزْتُ بِذِي مَالٍ (Мол эгасининг олдидан ўтдим), **نَظَرْتُ إِلَىٰ فِيكَ** (Оғзинга назар солдим).

С: Жор бўлган мусаннога мисол келтиринг.

Ж: **مَرَزْتُ بِرَبِّدَيْنٍ**.

С: Нечта ўринда фатҳа калиманинг жор бўлганига аломат бўлади?

Ж: Бир ўринда.

С: У қайси?

Ж: У мунсариф бўлмаган исмдир.

С: Исм мунсариф бўлмаслигининг маъноси нима?

Ж: Исм мунсариф бўлмаслигининг маъноси сарф бўлмаслиги, яъни танвин қабул қилмаслигидир.

С: Мунсариф бўлмаган исм нима?

Ж: У ўзида икки фаръий иллат борлиги жиҳатидан феълга ўхшаш исмдир.

Биринчи: илллати лафзга оиддир.

Иккинчи: илллати маънога оиддир.

Ёки мунсариф бўлмаган исмда икки илллатнинг ўрнини босувчи бир иллат бўлган исмдир.

С: Ушбу илллатлардан маънога оид бўлганлари қайси?

Ж: Маънога оид бўлганлари иккита:

1. Аламийлик.

2. Васфийлик.

С: Лафзга оид бўлган илллатлар қайси?

Ж: Улар: "алиф" сиз таънис, ажамийлик, таркиб, "алиф" ва "нун" зиёдалиги, феъл вазни ва адл.

С: Лафзий илллатлардан нечта иллат васфийлик билан мавжуд бўлади?

Ж: Учтаси.

С: Улар қайсилар?

Ж: "алиф" ва "нун" зиёдалиги, мисол: شَعْبَانُ, феъл вазни, мисол: أَكْرَمُ, адл, мисол: مَثَى.

С: Лафзий иллатлардан нечта иллат алабийлик билан мавжуд бўлади?

Ж: Алабийлик билан барча иллатлар мавжуд бўлади. "алиф"сиз таънисга мисол: بَرِيْدُهُ, ажабийликка мисол: إِدْرِيسُ, таркибга мисол: مَعْدِي كَرِب, "алиф" ва "нун" зиёдалигига мисол: عُثْمَانُ, феъл вазнига мисол: تَغْلِبُ, адлга мисол: زُفْرُ.

С: Қайси икки иллатни, икки иллат ўрнини босувчи, деб эътибор қилинади?

Ж: Икки иллат ўрнини босувчи, деб эътибор қилинадиган икки иллатдан биринчиси, бу мунтаҳал жумуъ (жамъларнинг интиҳоси, охиргиси) сийғаси ва мамдуда ёки мақсура таънис (ى - ا)си.

С: Мунтаҳал жумуъ сийғасига мисол келтиринг?

Ж: مَسَاجِدُ وَمَنَابِرُ.

С: Мақсура таънис алифи (ى) га мисол келтиринг?

Ж: حُبْلَى وَدُنْيَا.

С: Мамдуда таънис алифига мисол келтиринг?

Ж: حَمْرَاءُ وَحَسَنَاءُ.

С: Мунтаҳал жумуъ сийғасини юзага келтирувчи нима?

Ж: Исм жамъи таксийр сийғасида бўлган ҳолда таксийр алифидан кейин икки ҳарф ёки ўртадагиси суқунли бўлган уч ҳарф келиши мунтаҳал жумуъ сийғасини юзага келтиради. Икки ҳарфлига мисол: مَسَاجِدُ, ўртадагиси суқунли бўлган уч ҳарфлига мисол: مَفَاتِيحُ وَمَصَابِيحُ.

С: Жазм аломатлари нима?

Ж: Жазмнинг икки аломати бор:

1. Аслий аломат, бу суқундир.
2. Фаръий аломат, бу ҳазфдир.

С: Нечта ўринда суқун жазмга аломат бўлади?

Ж: Бир ўринда.

С: У қайси?

Ж: Охири саҳиҳ бўлган музореъ феъли.

С: Охири саҳиҳ бўлишининг маъноси нима?

Ж: Феълнинг охирги ҳарфи уч иллат ҳарфларидан бири бўлмаслигидир.

Иллат ҳарфлари: و، ا، ي

С: Охири саҳиҳ бўлган музореъ феълига мисол келтиринг?

Ж: لَمْ يَذْهَبْ زَيْدٌ (Зайд кетмади).

С: Ҳазф неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Иккови қайсилар?

Ж: ʻни ҳазф қилиш ва иллат ҳарфини ҳазф қилиш.

С: ʻни ҳазф қилиш қачон жазмга аломат бўлади?

Ж: Бир ўринда.

С: У қайси?

Ж: Рафълиги ʻнинг собитлиги ила бўлган афъоли хомсаю

Масалан:

لَنْ يَضْرِبَا، لَنْ تَضْرِبَا، لَنْ يَضْرِبُوَا، لَنْ تَضْرِبُوَا، لَنْ تَضْرِبِي يَا هِنْدُ.

С: Нечта ўринда иллат ҳарфининг ҳазфи жазмга аломат бўлади?

Ж: Бир ўринда.

С: У қайси?

Ж: Охири иллатли ҳарф бўлган музореъ феъли.

С: Охири иллатли бўлишининг маъноси нима?

Ж: Охирги ҳарфи уч иллат ҳарфидан бири бўлишлиги,
улар: و، ا، ي

С: Ушбу уч ҳарфнинг ҳар бирига мисол келтиринг?

Ж: Охири алиф (ى) бўлганга мисол: يَسْعَى (Юрмоқда), охири و бўлганга мисол: يَدْعُو (Чорламоқ), охири ي бўлганга мисол: يَزْمِي (Отмоқ).

Ушбу феълларни жазм қилганинда аввалгисидан ىни, иккинчисидан وни, учинчисидан ىни ҳазф қиласан:

لَمْ يَسْعَ، لَمْ يَدْعُ، لَمْ يَرْمِ.

МУЪРОБЛАР ФАСЛИ

С: Мўъроблар неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Уларни зикр қилинг?

Ж: 1. Ҳаракатлар ила эъробланадиган.
2. Ҳарфлар ила эъробланадиган.

С: Ҳаракатлар нима?

Ж: Замма, фатҳа, касра.

С: Ҳаракатлар ила эъробланадиганлар нима?

Ж: Муфрад исм, жамъи таксийр, жамъи муаннаси солим ва охирига ҳеч нарса ёпишмаган музореъ феъли.

С: Буларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг?

Ж: Муфрадга мисол: **رَيْدٌ قَائِمٌ**, жамъи таксийрга мисол: **حَفْظًا** (Талабалар дарсларини ёд олдилар), жамъи муаннаси солимга мисол: **خَشَعَتِ الْمُؤْمِنَاتُ فِي الصَّلَاةِ** (Мўминалар намозларида хушуъ қилдилар), охирига ҳеч нарса ёпишмаган музореъ феълига мисол: **يَقُومُ رَيْدٌ**.

С: Ҳаракатлар ила эъробланувчиларнинг эъробдаги асли нима?

Ж: Замма ила рафъ бўлиши, фатҳа ила насб бўлиши, касра ила жор бўлиши, сукун ила жазм бўлиши аслдир.

С: Ушбу аслдан нималар истисно тарзида чиққан?

Ж: Ушбу аслдан истисно тарзида уч нарса чиққан:

1. Жамъи муаннаси солим, унинг насб бўлиши фатҳа ўрнига касра ила бўлади, мисол: **رَأَيْتُ الْهِنْدَاتِ**.

2. Мунсариф бўлмаган исм, унинг жор бўлиши касра ўрнига фатҳа ила бўлади, мисол: **مَرَرْتُ بِرُفْرٍ**.

3. Охири иллатли ҳарф бўлган музореъ феъли, унинг жазм бўлиши сукун ўрнига иллат ҳарфининг ҳазфи ила бўлади, мисол: **لَمْ يَسْعَ، لَمْ يَدْعُ، لَمْ يَزَمْ**.

С: Ҳарфлар ила мўъроб бўлувчилар нима?

Ж: Улар тасния, жамъи музаккари солим, асмои хомса ва афъоли хомса.

С: Тасния нима ила рафъ бўлади?

Ж: Замма ўрнига "алиф" ила рафъ бўлади, мисол: **قَامَ الرَّيْدَانِ**.

С: Тасния нима ила насб ва жор бўлади?

Ж: Насбда фатҳа ўрнига **ي** ила, мисол: **رَأَيْتُ الرَّيْدَيْنِ**.

Жорда касра ўрнига **ي** ила, мисол: **مَرَرْتُ بِالرَّيْدَيْنِ**.

С: Жамъи музаккари солим нима ила рафъ бўлади?

Ж: Замма ўрнига **و** ила рафъ бўлади, мисол: **جَاءَ الرَّيْدُونَ**.

С: Жамъи музаккари солим нима ила насб ва жор бўлади?

Ж: Ўзидан олдинги фатҳали, ўзидан кейинги касрали бўлган **ي** ила фатҳанинг ўрнини босган ҳолда насб бўлади, мисол: **رَأَيْتُ الْمُسْلِمِينَ**.

Ўзидан олдинги фатҳали, ўзидан кейинги касрали бўлган **ي** ила касранинг ўрнини босган ҳолда жор бўлади, мисол: **رَضِيََ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ** (Аллоҳ мўминлардан рози бўлди).

С: Рафъ, насб ва жор ҳолатларида асмои хомса қандай эъробланади?

Ж: Рафъ ҳолатида замма ўрнига **و** ила, мисол: **جَاءَ أَخُوكَ**, насб ҳолатида фатҳа ўрнига **ا** ила, мисол: **رَأَيْتُ أَخَاكَ**, жор ҳолатида касра ўрнига **ي** ила, мисол: **مَرَرْتُ بِأَخِيكَ**.

С: Рафъ, насб ва жазм ҳолатларида афъоли хомса қандай эъробланади?

Ж: Рафъ ҳолатида замма ўрнига **و**нинг собитлиги ила, насб ҳолатида фатҳа ўрнига **و**ни ҳазф қилиш ила, жазм ҳолатида сукун ўрнига **و**ни ҳазф қилиш ила.

С: Афъоли хомса нима?

Ж: Улар: **يُفْعَلَانِ، تَفْعَلَانِ، يَفْعَلُونَ، تَفْعَلُونَ، تَفْعَلِينَ يَا هِنْدُ**.

ФЕЪЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚИСМЛАРИ

С: Феъл нечта қисмга бўлинади?

Ж: Учта.

С: Улар нима?

Ж: Мозий, музореъ ва амр.

С: Мозий феъли нима?

Ж: Сўзлаш замонидан олдин феъл рўй берганига далолат қилган нарса, мисол: **ضَرَبَ**.

С: Музореъ феъли нима?

Ж: Феъл сўзлаш замонида ёки ундан кейин рўй берганига далолат қилган нарса, мисол: **بُيَضِرْ**.

С: Амр феъли нима?

Ж: ʻи тавкидни қабул қилиши мумкин бўлган ҳолда сўзлаш замонидан кейин бажарилиши талаб қилинган феълга далолат қилган нарса, мисол: **اِضْرِبْ**.

С: Мозий феъли қачон зоҳир фатҳага мабний бўлади?

Ж: Охири саҳиҳ бўлган ҳолда унга жамъ **و** и, ҳаракатли рафъ замири ёпишмаган бўлса ёки охири **و** ёки **ي** бўлса.

Охири саҳиҳга мисол: **قَامَ**.

ي ила охири иллатли бўлганга мисол: **رَضِيَ**.

و ила охири иллатли бўлганга мисол: **بَدَوُ**.

С: Мозий феъли қачон тақдирдаги фатҳага мабний бўлади?

Ж: Уч ҳолатда бўлади:

1. Охири **ا** бўлганда, мисол: **دَعَا**. Бу ердаги фатҳанинг зоҳир бўлишини уни **ا** устида келтириб бўлмаслиги манъ қилгани учундир.

2. Жамъ **و** ига муттасил бўлганда, мисол: **كَتَبُوا**. Бу ердаги фатҳанинг зоҳир бўлиши, ўриннинг муносиб ҳаракат ила эгалланганлиги манъ қилгани учундир.

3. Фоил **ت** си ёки аёллик **ن** ни каби ҳаракатли рафъ замири муттасил бўлганда, мисол: **ضَرَبْتُ (نَا)**, **ضَرَبْنِي**.

Ушбу мисолларда фатҳанинг зоҳир бўлишини тўрт ҳаракат кетма-кет келмаслиги учун ориз бўлган суқун ила ўриннинг банд этилгани манъ бўлгани учундир. Агар тўрт ҳаракат кетма-кет келса, бу мисолларни бутун бир калима деб тушунилиши мумкин.

С: Амр феъли қачон зоҳир суқунга мабний бўлади?

Ж: Охири саҳиҳ бўлиб, унга ҳеч нарса ёпишмаган бўлса ёки унга аёллик **ن** и муттасил бўлса, мисол: **اِضْرَبْنِي**, **اُكْتُبْ**.

С: Амр феъли қачон тақдирдаги суқунга мабний бўлади?

Ж: Охирига ташдидли ёки ташдидсиз **و**и тавкид ёпишган бўлса, мисол: **إِضْرِبَنَّ، إِضْرِبَنَّ**.

С: Амр феъли қачон иллат ҳарфининг ҳазфига мабний бўлади?

Ж: Музореъсининг охири **ا** ёки **و** ёки **ي** билан иллатли бўлса, мисол: **تَدْعُو، تَسْعَى، تَقْضِي**.

Ушбу уч феълнинг амр сийғаси иллат ҳарфининг ҳазфига мабний бўлади, мисол: **أَدْعُ، أَسْعَ، أَقْضِ**.

С: Қачон ҳазфи **و**га мабний бўлади?

Ж: Музореъси афъоли хомсадан бўлганда, мисол: **اُكْتُبَا، اُكْتُبُوا، اُكْتُبِي يَا هِنْدُ** (Ёз эй Ҳинд).

С: Музореъ феълининг аломати нима?

Ж: Аломати, унинг аввалида тўрт зоида ҳарфлардан бири бўлиши. Бу ҳарфлар **أَنْبِتُ** калимасида жамланган.

С: Музореъ ҳамзаси қандай маънолар учун ишлатилади?

Ж: Музаккар бўлсин, муаннас бўлсин фақат мутакаллим учун ишлатилади, мисол: أَفْهَمُ.

С: Музореъ ۋни қандай маънолар учун ишлатилади?

Ж: Мутакаллим билан бошқа инсон бўлганда ёки ўзини катта қилиб кўрсатиш мақсадида ишлатилади, мисол: نَفْهَمُ.

С: Музореъ ۋси қандай маънолар учун ишлатилади?

Ж: Фақат музаккар ғоиб сийғаси учун ишлатилади, мисол: يَفْؤْمُ زَيْدٌ.

С: Музореъ ۋти қандай маънолар учун ишлатилади?

Ж: Мухотаб учун ишлатилади, мисол: تَفْؤْمُ يَا زَيْدٌ ва муаннас ғоибга учун ишлатилади, мисол: هِنْدُ تَفْؤْمُ.

С: Мўъроб музореъ феълининг ҳукми нима?

Ж: Насб қилувчи ва жазм қилувчи унга кирмаса, унинг ҳукми рафъ бўлади, мисол: يَفْؤْمُ زَيْدٌ.

С: Музореъ феъли қачон мабний бўлади?

Ж: Ташдидли ёки ташдидсиз و и тавкид ёки аёллик و и унга муттасил бўлганда, мисоллар: **لَيْسَجَنَّ** (Албатта зиндонбанд этаман) (Юсуф сураси, 32-оят).

لَيَكُونَنَّ مِنَ الصَّاعِرِينَ (ва хор бўлгувчилардан бўлур) (Юсуф сураси, 32-оят).

وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ (Оналар фарзандларни тўлиқ икки йил эмизадилар) (Бақара сураси, 233-оят).

С: Музореъ феъли қачон фатҳага мабний бўлади?

Ж: Унга ташдидли ёки ташдидсиз و и тавкид муттасил бўлганда.

С: Музореъ феъли қачон сукунгага мабний бўлади?

Ж: Аёллик (нисва) و и унга муттасил бўлганда.

С: Музореъ феъли қачон марфуъ бўлади?

Ж: Насб қилувчи ва жазм қилувчи унга кирмаганда.

МУЗОРЕЪНИ НАСБ ҚИЛУВЧИЛАР

С: Музореъ насб бўлувчи адавоатлар қайсилар?

Ж: Улар: أَنْ، لَنْ، إِذَنْ، كَيْ .

С: Ушбу адавоатларнинг эъробдаги вазифаси нима?

Ж: أَنْ масдар, насб ва истиқбол ҳарфи.

لَنْ нафий, насб ва истиқбол ҳарфи.

إِذَنْ жавоб, жазо ва насб ҳарфи.

كَيْ масдар ва насб ҳарфи.

С: إِذَنْдан кейин музореъни насб қилишга нима шарт қилинади?

Ж: Учта нарса шарт қилинади.

С: Уларни зикр қилинг!

Ж: 1. إِذَنْ жавоб жумласининг бошида бўлиши.

2. Ундан кейин воқеъ бўлган музореъ истиқболга далолат қилиши.

3. У ва музореънинг орасини ҳеч нарса ажратмаслиги, қасам ёки нидо ёки нафий қилувчи ў бундан мустасно.

С: إِذَنْ ва музореъ феъли орасида турган ҳолда феълни насб бўлишига монелик қилмайдиган нарсалар нима?

Ж: Улар учта:

1. Қасам бўлиб, шоирнинг сўзи бунга мисол:

إِذَنْ وَاللَّهِ تَرْمِيهِمْ بِحَرْبٍ
تَشِيْبُ الطَّفْلُ مِنْ قَبْلِ الْمَشِيْبِ

Маъноси:

Ундай бўлса, Аллоҳга қасамки, уруш очурмиз уларга,
Қаримасдан бурун қариб кетар гўдаккина.

2. Нидо бўлиб, мисол: **إِذَنْ يَا زَيْدُ تَنْحُحُ** (Унда, эй Зайд муваффақият қозонасан).

3. Нафий (инкор) қилувчи бўлиб, унга لا, мисол: **إِذَنْ لَا يَحِيْبُ** **سَعْيِكَ** (Унда ҳаракатинг зое кетмайди).

С: **إِذَنْ**нинг эъроби қандай бўлади?

Ж: **إِذَنْ** деганингда **إِذَنْ** жавоб ва насб ҳарфи бўлади.

С: **كَيْ** қандай ишлатилади, мисол келтиринг?

Ж: **كَيْ** ила **لِمَا** билан савол берилганда жавоб берилади, мисол: **كَيْ أَفْرَأَ لِمَاذَا جِئْتِ؟**

С: Яна нималар ила музореъ феъли насб бўлади?

Ж: لي таълийл, لي жуҳуд, إِلَى маъносидаги حَتَّى, сабабият фи, мусохабани англатувчи "вови маъийя" ва إِلَّا ёки إِلَى маъносида келувчи أَوْ музореъ феълига кирсалар, уни насб қиладилар.

С: لي таълийл нима ва у қандай ишлатилади?

Ж: لي таълийл (сабабни, иллатни билдирувчи) كَيْ маъносида келади ва унинг амалини бажаради.

Мисол: جِئْتُ لِأَقْرَأَ لِمَاذَا جِئْتُ؟ деб жавоб берилади.

С: لي жуҳуд нима ва у қандай ишлатилади?

Ж: لي жуҳуд (инкор этиш) нафий бўлган كَانَ дан кейин воқеъ бўлади. Нафий бўлган كَانَ нинг кўринишлари куйидагилардир: مَا كَانَ، لَمْ يَكُنْ، غَيْرُ كَائِنٍ

ва яна шунга ўхшашлардир.

Мисол: وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُعَذِّبَهُمْ وَأَنْتَ فِيهِمْ) Модомики сен уларнинг ичида экансан, Аллоҳ уларни азобламас) (Анфол сураси, 33-оят).

С: إِلَى маъносидаги حَتَّى нима ва у қандай ишлатилади?

Ж: إِلَى маъносидаги حَتَّى исмга кирувчи ва ҳарфи жор бўлувчи حَتَّى дан фарқли бўлиб, музореъ феълини насб қилади.

Мисол: قَالَو لَنْ نَبْرَحَ عَلَيْهِ عَاكِفِينَ حَتَّىٰ يَرْجِعَ إِلَيْنَا مُوسَىٰ (Улар: “То Мусо бизга қайтгунича, унга ибодат қилишда бардавом бўламиз”, дедилар) (Тоҳа сураси, 91-оят).

С: Сабабият **ف**си ва мусоҳабани англатувчи "вови маъийя" нима ва улар қандай амал қиладилар?

Ж: Сабабият **ف**си жумлада жавобни, бир нарса сабабидан вужудга келувчи ҳолатни билдиради/

Мисол: وَلَا تَطْعَمُوا فِيهِ فَيَحِلَّ عَلَيْكُمْ غَضَبِي (…унда ҳаддингиздан ошманг, яна бошингизга ғазабим тушиб қолмасин) (Тоҳа сураси, 81-оят).

Мусоҳабани (биргалик, ёнма-ёнлик) англатувчи "вови маъийя"га мисол: سِرْتُ وَالنَّيْلَ (Нил бўйлаб юрдим).

С: Сабабият **ف**си ва мусоҳабани англатувчи "вови маъийя"дан олдин келиши шарт бўлган нарсалар нима?

Ж: Тўққиз нарса олдин келиши шарт, улардан саккизтаси талабнинг турлари, бири нафийдир. Улар:

1. Амр, мисол: تَنْجَحَ (وَ) دَاكِرَ فَ (Ёд ол муваффақиятга эришасан).

2. Дуо, мисол: اللَّهُمَّ اهْدِنِي فَا (وَ) أَعْمَلِ الْخَيْرَ (Аллоҳим мени ҳидоят қилгинки, яхши амал қилай!).

3. Наҳий, мисол: لَا تَلْعَبْ فَا (وَ) يُضَيِّعْ أَمْلَكَ (Ўйинқаро бўлмаки, умидинг зое бўлади).

4. Истифҳом, мисол: هَلْ حَفِظْتَ دُرُوسَكَ فَ (وَ) أَسْمَعَهَا مِنْكَ (Дарсларингни ёд олдингмики? мен уларни сендан эшитсам).

5. Арз қилиш, мисол: أَلَا تَتُورُنَا فَ (وَ) نُكْرِمَكَ (Бизни зиёрат қилингки, сизни икром қилайлик).

6. Қизиқтириш, мисол: هَلَّا أَدَيْتَ دُرُوسَكَ فَ (وَ) تُشْكِرُ (Дарсларингни адо этгинки, токи сенга ташаккур билдирилсин).

7. Таманно қилиш: لَيْتَ لِي مَالًا فَ (وَ) أَحُجَّ مِنْهُ (Менинг молим бўлса эди, ҳаж қилар эдим), ва шоирнинг қуйидаги сўзи:

أَلَا لَيْتَ الشَّبَابُ يَعُودُ يَوْمًا
فَأُخْبِرُهُ بِمَا فَعَلَ الْمَشِيبُ

Маъноси:

Эх, ёшлик қайтмайди бир кун,

Кексалик не қилганин хабар берардим унга!

8. Ражо (умид) қилиш, мисол: لَعَلَّ اللَّهَ يَشْفِينِي فَ (وَ) أُرُورَكَ (Аллоҳ менга шифо берса сени зиёрат қилардим).

Ушбу саккиз турли талабнинг кўринишлари сабабият си ва мусоҳабани англатувчи "вови маъийя" билан келиши тўғри бўлади.

9. Нафий бўлиб, унинг мисоли қуйидаги оят:

لَا يُقْضَى عَلَيْهِمْ فَيَمُوتُوا (Уларга ўлишлари ҳукм қилинсаки, вафот топсалар) (Фотир сураси, 36-оят).

С: Амр ва дуо орасидаги фарқ нимада?

Ж: Амр бу юқори турганнинг пастда тургандан талаб қилиши, дуо бу пастда турганнинг юқорида тургандан сўраши.

С: Арз қилиш ва қизиқтириш орасидаги фарқ нима?

Ж: Арз бу мулойимлик ила талаб қилишдир, қизиқтириш эса, у чорлаш ва безовта қилиш ила талаб қилишдир.

С: Таманно қилиш ва ражо қилиш орасидаги фарқ нимада?

Ж: Таманно қилиш бу рўёбга чиқиши ўта қийин бўлган ёки мумкин бўлмаган ишни орзу қилишдир, ражо қилиш эса, у ҳосил бўлиши яқин бўлган ишни орзу қилиш.

С: Музореъни насб қилган ҳолда ўзидан кейин тақдирда **أَنْ** келиши вожиб бўлган **أَوْ** да нима шарт қилинади?

Ж: **إِلَّا** ёки **إِلَى** маъносида келиши шарт қилинади.

С: **إِلَّا** маъносидаги **أَوْ** билан **إِلَى** маъносидаги **أَوْ**нинг фарқи нимада?

Ж: **إِلَّا** маъносидагиси ўзидан кейингини бир дафъада ҳал қилади, мисол: **لَأَقْتُلَنَّ الْكَافِرَ أَوْ يُسْلِمَ** (Кофирни албатта қатл қиламан ёки мусулмон бўлади).

إلى маъносидагиси ўзидан кейингини секинлик ила бирма-бир ҳал қилади. Бунга шоирнинг сўзи мисол бўлади:

لَأَسْتَسْهَلَنَّ الصَّعْبَ أَوْ أُدْرِكَ الْمُتَى
فَمَا انْقَادَتِ الْأَمَالُ إِلَّا لِصَابِرٍ

Маъноси:

Оғирни енгиллатишга уринаман то ўлим менга етгунча,
Умидлар фақатгина сабрлиларга бош эгувчидир.

МУЗОРЕЪНИ ЖАЗМ ҚИЛУВЧИЛАР

С: Жазм қилувчилар неча қисмга бўлинади?

Ж: Иккига.

С: Улар қайси?

Ж: Бир феълни жазм қилувчи, икки феълни жазм қилувчи.

С: Бир феълни жазм қилувчилар қайсилар?

Ж: Улар: **لَمْ**, мисол: **لَمْ يَكُنِ الَّذِينَ كَفَرُوا...** (Аҳли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар уларга “баййина” келмагунча ажралмасдилар) (Баййина сураси, 1-оят).

لَمَّا, мисол: يَذُوقُوا عَذَابِ لَمَّا (Улар азобимни татиб кўрмадилар) (Сод сураси, 8-оят).

أَلَمْ, мисол: أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ (Сенинг кўксингни кенг қилиб қўймадикми?) (Шарҳ сураси, 1-оят).

أَلَمَّْا, мисол: أَلَمَّْا أَحْسِنُ إِلَيْكَ (Сенга яхшилик қилмадимми?)

Амр феълидаги ل, мисол: فَلْيُتْلُ خَيْرًا أَوْ لِيَصُمتْ (Яхшиликни гапирсин ёки жим турсин).

Дуодаги ل, мисол: لِيَقْضِ عَلَيْنَا رِزْقَكَ (Роббинг бизни вафот топтурсин) (Зухруф сураси, 77-оят).

Наҳий учун келувчи لا, мисол: لَا تَغْلُوا فِي دِينِكُمْ (Динингизда гулувга кетманг) (Нисо сураси, 171-оят).

Дуодаги لا, мисол: رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا (Эй Роббимиз бизни иқобга тутма) (Бақара сураси, 282-оят).

С: Наҳий ва дуо орасидаги фарқ нимада?

Ж: Наҳий юқорида турувчидан пастда турувчига қаратилади, дуода бунинг акси бўлади.

С: Икки феълни жазм қилувчилар қайсилар?

Ж: Улар: **إِن**, **مَا**, **مَهْمَا**, **مَنْ**, **إِذْمَا**, **أَيُّ**, **مَتَى**, **أَيَّانَ**, **أَيْنَ**, **أَتَى**, **حَيْثُمَا**, **كَيْفَمَا** ва хоссатан шеърда **إِذَا**.

С: Икки феълни жазм қилувчиларнинг қандай турлари бор?

Ж: Уларнинг тўрт тури бор:

1. Ҳарф эканида иттифоқ қилингани бўлиб, у биттадир: **إِنْ**, мисоли: **إِنْ تُذَكِّرْ تَنْجَحْ** (Агар ёд олсанг муваффақиятга эришасан).

2. Исм эканида иттифоқ қилинган. У ўнтадир:

Аввалгиси **مَنْ**, мисоли: **مَنْ يُكْرِمْ جَارَهُ يُفْرَ** (Ким қўшнисини икром қилса бахт топади).

Иккинчиси **مَا**, мисоли: **مَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ يُوفَّ إِلَيْكُمْ** (Қандай яхшилик қилманг сизга ажри тўлиқ бўлади).

Учинчиси **أَيُّ**, мисол: **أَيُّ مَا تَدْعُوا فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى** (қайсиси ила дуо қилсангиз ҳам, барибир. Гўзал исмлар Уникидир) (Исро сураси, 110-оят).

Тўртинчиси **مَتَى**, мисол: **مَتَى تَلْتَفِتْ إِلَى وَاجِبِكَ تَنَلْ رِضَى رَبِّكَ** (Вожибларингга эътиборли бўлсанг Роббинг розилигига етишасан).

Бешинчиси **أَيَّانَ**, мисол: **أَيَّانَ تَلْفَنِي أُكْرِمَكَ** (Қаерда бўлса ҳам менга йўлиқсанг сени икром қиламан)/

Олтинчи **أَيْنَمَا**, мисол: **أَيْنَمَا تَكُونُوا يُدْرِكُكُمُ الْمَوْتُ** (Қаерда бўлсангиз ҳам, ҳаттоки мустаҳкам қалъаларда бўлсангиз ҳам, ўлим сизни топади) (Нисо сураси, 78-оят).

Еттинчи **أَنْتَى**, мисол: **أَنْتَى يَسِرْ دُو الْمَجْدِ يَجِدْ رَفِيقًا** (Улуғлик эгаси қаерга бормасин дўст топади).

Саккизинчи **حَيْثُمَا** , шоирнинг сўзи мисол:

حَيْثُمَا تَسْتَقِيمُ يُعَدِّدُ لَكَ اللَّهُ
بُجَاحًا فِي غَايِرِ الْأَزْمَانِ

Маъноси:

Қаерда истиқоматда бўлсанг ҳам Аллоҳ,
Сенга тақдир қилаётир муваффақият ҳар он.

Тўққизинчиси **كَيْفَمَا** , мисол: **كَيْفَمَا تَكُنْ نَيْتُكَ يَكُنِ الْجَزَاءُ لَكَ**
(Ниятинг қандай бўлса унинг мукофоти ҳам шундай бўлади).

Ўнинчи хоссатан шеърда **إِذَا**, шоирнинг сўзи мисол:

اسْتَعْنِ مَا أَغْنَاكَ رَبُّكَ بِالْغَنَى
وَإِذَا تُصِيبُكَ خِصَاصَةٌ فَتَحْمَلَنَّ

Маъноси:

Роббинг беҳожат қилгандан беҳожат бўл,
Ва етганда сенга муҳтожлик сабрли бўл.

3. Ҳарф ёки исм эканлигида хилоф бўлган ҳолида ҳарф эканлиги кучлироқ бўлган. У биттадир: **إِذَا**, мисол шоирнинг сўзи:

وَإِنَّكَ إِذْ مَا تَأْتِ مَا أَنْتَ أَمْرٌ
بِهِ تُلْفِ مَنْ إِيَّاهُ تَأْمُرُ آتِيًا.

Маъноси:

Гар ўзинг буюрган ишни бажарарсан,
Топарсан унинг устида кимни унга буюрарсан.

4. Исм ёки ҳарф экани хилоф ҳолида исм эканлиги кучлироқ бўлган нарса.

У биттадир: مَهْمَا, мисол: مَهْمَا تَأْتِنَا بِهِ مِنْ آيَةٍ لِنَسْحَرَنَّا بِهَا فَمَا نَحْنُ لَكَ مُؤْمِنِينَ (Ҳар қанча оят келтириб бизни сеҳрламоқчи бўлсанг ҳам, биз сенга иймон келтирувчи эмасмиз) (Аъроф сураси, 132-оят).

МАРФУЪОТ

С: Нечта ўринда исм марфуъ бўлади?

Ж: Етти ўринда:

1. Фоил бўлганда, мисол: قَامَ زَيْدٌ.
2. Ноибни фоил бўлганда (буни фоили зикр қилинмаган мафъул, деб ҳам номлашади), мисол: سُرِقَ الْمَتَاعُ (Нарса ўғирланди).

3 ва 4. Мубтадо ва хабар бўлганда, мисол: زَيْدٌ قَائِمٌ.

5. **كَانَ** ва унинг ахавот (издош)ларидан бирортасининг хабари бўлганда, мисол: **كَانَ زَيْدٌ مُّجْتَهِدًا** (Зайд тиришқоқ бўлди), **أَصْبَحَ الْبَرْدُ شَدِيدًا** (Совуқ шиддатли бўлди).

6. **إِنَّ** ва унинг ахавотларидан бирортасининг исми бўлганда, мисол: **إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ** (Албатта Зайд қоимдир), **لَعَلَّ عَمْرًا جَالِسٌ** (Шоядки Амр ўтирган бўлса).

7. Марфуънинг тобеъси бўлганда.

С: Тобеъларнинг турлари қанча ва улар қайсилар?

Ж: Улар тўртта:

1. Наът, мисол: **جَاءَ الرَّجُلُ الْقَاضِلُ** (Фозил киши келди).

2. Атф, ва у икки қисм:

а). Атфи баён, мисол: **سَافَرَ أَبُو زَيْدٍ عَمْرُو** (Абу Зайд бўлмиш Амр сафар қилди)

б) Боғловчи атф, мисол: **قَامَ زَيْدٌ وَعَمْرُو** (Зайд ва Амр турдилар).

3. Тавкид, мисол: **جَاءَ زَيْدٌ نَفْسُهُ** (Зайднинг айни ўзи келди).

4. Бадал, мисол: **حَضَرَ عَمْرُو أَخُوكَ** (Аканг Амр келди).

С: Ушбу тобеълар бир каломда жамланганда уларнинг тартиби қандай бўлади?

Ж: Аввало наът кейин атфи баён кейин тавкид кейин бадал кейин боғловчи атф келади.

Мисол: جاء الرجل الكريم زيد نفسه صديقك وأخوه (Унинг акаси бўлган, сенинг дўстинг бўлган, карамли Зайд бўлган кишининг айна ўзи келди).

ФОИЛ

С: Фоил луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Фоил сўзи луғат жиҳатидан феълни барпо қилганига нисбатан ишлатилади.

Истилоҳ жиҳатидан фоил марфуъ исм бўлиб, ундан олдин феъли зикр қилинган калимадир.

Уни исм дейилгач, таърифдан феъл ва ҳарф чиқиб кетади. Уни марфуъ дейилгач, мансуб ва мажрур исмлар таърифдан чиқиб кетади. Ундан олдин феъли зикр қилинган дейилгач, таърифдан мубтадо чиқиб кетади, чунки мубтадодан олдин феъл зикр қилинмайди.

С: Фоил неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Улар қайсилар?

Ж: 1. Сарийҳ фоил, мисол: قام زيد

2. Таъвил қилинган фоил, мисол: **صَنَعْتُ مَا أَعْجَبَنِي** яъни **صَنَعْتُكَ** (Қилган ишинг мени ажаблантирди).

С: Сарийҳ фоил неча қисм?

Ж: Икки қисм: зоҳир фоил ва замирдаги фоил.

С: Зоҳир фоил нима?

Ж: Қарийнага ҳожати бўлмаган ҳолда ўз маъносига далолат қилган фоил.

С: Замирдаги фоил нима?

Ж: Ўз маъносига фақатгина мутакаллим ёки мухотаб ёки ғоиб қариналари орқали далолат қилган фоил.

С: Зоҳир фоил неча турга бўлинади?

Ж: Саккиз турга.

С: Уларни санаб беринг!

Ж: 1. Муфрад музаккар, мозийсига мисол: **قَامَ زَيْدٌ**, музореъсига мисол: **يَقُومُ زَيْدٌ**.

2. Муфрад муаннас, мозийсига мисол: قَامَتْ هِنْدُ, музореъсига мисол: تَقُومُ هِنْدُ.

3. Мусанно музаккар, мозийсига мисол: قَامَ الرَّيْدَانِ, музореъсига мисол: يَقُومُ الرَّيْدَانِ.

4. Мусанно муаннас, мозийсига мисол: قَامَتِ الْهِنْدَانِ, музореъсига мисол: تَقُومُ الْهِنْدَانِ.

5. Жамъи музаккари солим, мозийсига мисол: قَامَ الرَّيْدُونَ, музореъсига мисол: يَقُومُ الرَّيْدُونَ.

6. Жамъи муаннаси солим, мозийсига мисол: قَامَتِ تَقُومُ الْمُسْلِمَاتُ, музореъсига мисол: الْمُسْلِمَاتُ.

7. Жамъи таксийр музаккар, мозийсига мисол: قَامَ الرَّجَالُ, музореъсига мисол: يَقُومُ الرَّجَالُ.

8. Жамъи таксийр муаннас, мозийсига мисол: قَامَتِ الْهِنْدُودُ, музореъсига мисол: تَقُومُ الْهِنْدُودُ.

С: Эъроб, ҳаракатлар ва ҳарфлар жиҳатидан зоҳир исм неча қисмга бўлинади?

Ж: Уч қисмга.

С: Улар қайсилар?

Ж: 1. Эъроби зоҳир бўлган, мисол: قَامَ زَيْدٌ, эъроби тақдирда бўлган, мисол: قَامَ غُلَامِي, эъроби ҳаракат ўрнига ҳарф ила бўлган, масалан қуйида келувчи мисолларнинг

аввалгисида замма ўрнига | туради, кейингисида замма ўрнига و туради:

قَامَ الرَّيْدَانِ، قَامَ الرَّيْدُونَ.

С: Замирдаги фоилнинг навълари нечта ва улар қайсилар?

Ж: Замирдаги фоилнинг ўн икки навъи бор, улар:

1. Музаккар бўлсин, муаннас бўлсин бир мутакаллим учун бўлиш, мисол: **حَفِظْتُ**.

2. Кўп сонли мутакаллим ёки ўзини катта кўрсатаётган мутакаллим бўлиши, мисол: **حَفِظْنَا**.

3. Музаккар бўлиб, бир мухотаб учун бўлиш, мисол: **حَفِظْتَ**.

4. Муаннас бўлиб, бир мухотаба учун бўлиш, мисол: **ضَرَبْتِ**.

5. Музаккар бўлсин, муаннас бўлсин икки мухотаб учун бўлиш, мисол: **ضَرَبْتُمَا**.

6. Музаккар мухотоблар учун бўлиш, мисол: **حَفِظْتُمْ**.

7. Муаннас мухотабалар учун бўлиш, мисол: **ضَرَبْتُنَّ**.

8. Музаккар бўлиб, бир ғоиб учун бўлиш, мисол: **ضَرَبَ**.

9. Муаннас бўлиб, бир ғоиба учун бўлиш, мисол: **ضَرَبَتْ**.

10. Икки музаккар ва икки муаннас учун бўлиши, мисол: **ضَرَبْنَا, ضَرَبْنَا**.

11. Музаккар жамъ бўлиб, ғоиб учун бўлиш, мисол:
ضَرَبُوا.

12. Муаннас жамъ бўлиб, ғоибга учун бўлиши, мисол:
ضَرَبْنِ.

С: Муттасил замир нима?

Ж: Муттасил замир у ила жумла бошланмайдиган ва устун кўрилган сўзга асосан **إِلَّا**дан кейин келмайдиган замир.

С: Мунфасил замир нима?

Ж: Мунфасил замир у ила жумла бошланиши мумкин бўлган ва устун кўрилган сўзга асосан **إِلَّا**дан кейин келиши мумкин бўлган замир, мисол: مَا ضَرَبَ إِلَّا أَنَا (Фақатгина мен урдим).

С: Фоилни нима рафъ қилади?

Ж: Фоилни феъл рафъ қилади, мисол: فَاَمَّ زَيْدٌ, исми феъл рафъ қилади, мисол: هَيْهَاتَ الْعَقِيْقُ (Ақийқ узок бўлди), исми фоил рафъ қилади, мисол: أَقَادِمُ أَخْوَكَ (Аканг келувчими?).

НОИБИ ФОИЛ БОБИ

С: Ноиби фоил нима?

Ж: Ноиби фоил марфуъ исм бўлиб, у билан фоили зикр қилинмаган бўлади.

С: Ноиби фоилнинг бошқа номи борми?

Ж: Унинг бошқа номи “фоили номланмаган мафъул”дир.

С: Феъл ноиби фоилга нисбат берилганда феълда қандай ўзгаришлар содир бўлади?

Ж: Агар феъл мозий бўлса, аввалги ҳарфини заммали қилиб, охиридан олдингисини касрала қилинади, мисол: ضَرَبَ زَيْدٌ.

Агар феъл музореъ бўлса, аввалги ҳарфини заммали қилиб, охиридан олдингисини фатҳали қилинади, мисол: يُقَطِّعُ الْعُصْبُ (Шоҳ кесилади).

С: Фоилнинг ўрнига мафъулни қуйилганида нима қилинади?

Ж: Уни рафъ қилинади, вожиб равишда фоилдан кейин келтирилади ва у муаннас бўлса, феълга таънис аломати қўйилади, мисол: ضُرِبَتْ هِنْدُ.

С: Ноиби фоил нечта қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга: зоҳир ва замирдагига.

Замирдаги ноиби фоил иккига бўлинади: муттасил ва мунфасилга.

Унинг турлари ўн икки турлидир, улар: иккиси мутакаллим учун, бештаси мухотаб учун, бештаси ғоиб учун. Буларнинг зикри фоил бобида ўтди.

МУБТАДО ВА ХАБАР БОБИ

С: Мубтадо нима?

Ж: Мубтадо лафзий омиллардан ҳолий бўлган марфуъ исмдир. **زَيْدٌ قَائِمٌ** мисолида **زَيْدٌ** мубтадодир.

С: Мубтадо нечта қисмга бўлинади?

Ж: Мубтадо икки қисмга бўлинади:

1. Зоҳир.

2. Замир.

Зоҳир мубтадо лафзий омиллардан ҳолий бўлган марфуъ исмдир.

Замир мубтадо қуйидаги замирлардир:

أَنَا، نَحْنُ، أَنْتَ، أَنْتِ، أَنْتُمَا، أَنْتُمْ، أَنَا، هُوَ، هِيَ، هُمَا، هُمْ، هُنَّ.

С: Хабар нима?

Ж: Хабар марфуъ исм бўлиб, муснаддир.

(Изоҳ: Муснад “суянтирилган” маъносида келади. Хабар жумлада мубтадога суянтирилади. Мубтадо эса муснадун илайҳ (унга суянтирилган) бўлади).

С: Хабарнинг нечта қисмга бўлинади ва улар қайсилар?

Ж: Хабар икки қисмга бўлинади:

1. Муфрад хабар.
2. Муфрад бўлмаган хабар.

С: Бунда улар орасидаги фарқ нимада?

Ж: Бу ерда улар орасидаги фарқ шундаки, муфрад хабар бобида жумла ҳам, шибҳи жумла ҳам бўлмайди, мисол: **زَيْدٌ قَائِمٌ** мисолидаги **قَائِمٌ** сўзи. Аммо муфрад бўлмагани жумла ёки шибҳи жумла бўлади.

С: Хабар бобида жумла нечта қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Улар қайсилар?

Ж: 1. Исмий жумла, мисол: **زَيْدٌ جَارِيَةٌ ذَاهِبَةٌ** (Зайднинг жорияси кетувчи).

2. Феълий жумла, мисол: **زَيْدٌ قَامَ أَبُوهُ** (Зайднинг отаси қоим).

С: Исмий ва феълий жумла орасидаги фарқ нимада?

Ж: Исмий жумла мубтадо ва хабардан ташкил топади, феълий жумла феъл ва фоилдан ташкил топади.

С: Шибҳи жумла нима?

Ж: Шибҳи жумла бу:

1. Жор ва мажрур, мисол: زَيْدٌ فِي الدَّارِ (Зайд ҳовлида).

2. Зарф, мисол: زَيْدٌ عِنْدَكَ (Зайд ҳузурингда).

МУБТАДО ВА ХАБАРГА КИРУВЧИ ОМИЛЛАР БОБИ (НАСХ ҚИЛУВЧИЛАР)

С: Насх қилувчилар неча қисмга бўлинади?

Ж: Уч қисмга.

С: Уларни зикр қилинг!

Ж: 1. Мубтадони рафъ қилиб хабарни насб қилувчилар, улар كَانَ ва унинг ахавотлари, мисол: كَانَ زَيْدٌ قَائِمًا.

2. Мубтадони насб қилиб хабарни рафъ қилувчилар, улар إِنَّ ва унинг ахавотлари, мисол: إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ.

3. Мубтадони ҳам, хабарни ҳам насб қилувчилар, улар ظَنُّ ва унинг ахавотлари, мисол: ظَنَنْتُ عَمْرًا جَالِسًا (Амрни ўтирган деб гумон қилдим).

С: Ушбу омиллар нима деб аталади?

Ж: Улар насх қилувчилар деб номланади, чунки улар мубтадо ва хабарнинг ҳукмини насх қилиб, икковининг ҳукмини бошқа ҳукмга ўзгартиради.

كَانَ ВА УНИНГ АХАВОТЛАРИ

С: كَانَ ва унинг ахавотлари қай тарзда омил бўлади?

Ж: Мубтадонинг рафъ ҳолатини йўққа чиқариб, уни бошқа кўринишдаги рафъга ўзгартиради ва у كَانَнинг исми деб аталади. Хабарни ўз хабари сифатида насб қилади.

С: Амал қилиш шарти жиҳатидан كَانَ ва унинг ахавотлари неча қисмга бўлинади?

Ж: Уч қисмга.

С: Улар қайсилар?

Ж: 1. Бирор шартсиз омил бўлувчилар:

أَمْسَى، أَصْبَحَ، أَضْحَى، ظَلَّ، بَاتَ، صَارَ، لَيْسَ.

2. Ундан олдин нафий, истифҳом ёки наҳий келиши шарти ила омил бўлувчилар, улар тўрттадир:

زَالٌ، انْفَكٌ، فَتِيٌّ، بَرِحٌ.

3. Ундан олдин зарфий масдарий бўлган مَا келиши шарти ила омил бўлувчи, у: دَامَ.

С: Сарф бўлиш жиҳатидан كَانَ ва унинг ахавотлари неча қисмга бўлинади?

Ж: Уч қисмга.

С: Улар қайсилар?

Ж: 1. Комил сарф бўлувчилар, яъни ушбу феълларда мозий, музореъ, амр, масдар ва исми фоил келади.

Улар еттита феъл:

كَانَ، أَمْسَى، أَصْبَحَ، أَضْحَى، ظَلَّ، بَاتَ، صَارَ.

2. Ноқис сарф бўлувчи феъллар, яъни ушбу феълларда фақат мозий ва музореъ келади.

Улар тўртта феъл: فَتِيٌّ، انْفَكٌ، بَرِحٌ، زَالٌ.

3. Умуман сарф бўлмайдиган феъллар, улардан иттифок ила كَانَ ва устунроқ қавлга кўра دَامَ.

С: Ушбу феълларнинг маъноси нима?

Ж: كَانَ ўз исмининг ўз хабари ила мозийда васфланишига далолат қилади, ушбу васфланишда узилиш бўлиши мумкин, мисол: كَانَ زَيْدٌ فَائِمًا каби.

Ёки васфланиш доимо бардавом бўлиши мумкин, мисол: **وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ ذَٰلِكَ قَدِيرًا** (Ва Аллоҳ бунга қодир бўлган зотдир) (Нисо сураси, 133-оят).

Ўз исмининг ўз хабари ила тунда васфланишини билдиради, мисол: **أَمْسَى الْجُوُّ بَارِدًا** (Ҳаво кечаси совуқ бўлди).

Ўз исмининг ўз хабари ила тонгда васфланишини билдиради, мисол: **أَصْبَحَ الْبُرْدُ شَدِيدًا** (Тонгда совуқ кучли бўлди).

Ўз исмининг ўз хабари ила чошгоҳда васфланишини билдиради, мисол: **أَضْحَى زَيْدٌ نَشِيطًا** (Чошгоҳда Зайд тетик бўлди).

Ўз исмининг ўз хабари ила кундузда васфланишини билдиради, мисол: **ظَلَّ وَجْهُهُ مُسْوَدًّا** (Юзи қорайиб турур) (Наҳл сураси, 58-оят).

Ўз исмини бир ҳолатдан ўз хабари далолат қилган ҳолатга ўтганлигини билдиради, мисол: **صَارَ الطَّيْرُ إِبْرِيًّا** (Лой кўзага айланди).

Ўз хабарини ўз исмидан ўша вақтда нафий бўлганлигига далолат қилади, мисол: **لَيْسَ زَيْدٌ جَالِسًا** (Зайд ўтирган эмас).

Феъллари хабарни исмга ҳолат тақозо қилганидек мулозим бўлганига далолат қилади/

Мисол: **مَا زَالَ عَمْرُو قَائِمًا** (Амр қоим бўлиб тураверди).

Ҳам хабарнинг исмга мулозим эканига далолат қилади, мисол: **لَا تَتْرُكُ الْعِلْمَ مَا دُمْتَ حَيًّا** (То тирик экансан илмни қўйма).

С: Ушбу феъллардан сарф бўладиганларининг ҳукми нима?

Ж: Уларнинг ҳукми амалда қандай бўлса, шундайдир, мисол: **وَلَا يَزَالُونَ مُخْتَلِفِينَ إِلَّا مَنْ رَحِمَ رَبُّكَ** (Улар ихтилоф қилишда бардавом бўлурлар. Роббинг раҳм қилганларидан бошқалари) (Ҳуд сураси, 118 - 119-оятлар).

С: Ушбу адотлар ҳарфларми ёки феълларми?

Ж: Улар феъллар.

وَإِنَّ **ВА УНИНГ АХАВОТЛАРИ**

С: **وَإِنَّ** ва унинг ахавотларининг амали қандай?

Ж: Мубтадони насб қилади ва мубтадо унинг исмига айланади, хабарни рафъ ҳолатидан бошқа рафъ ҳолатига ўтказди ва хабар унинг хабарига айланади.

С: Ушбу адотлар ҳарфларми ёки феълларми?

Ж: Улар ҳарфлар.

С: Ушбу адотларнинг маъноларини баён қилиб беринг?

Ж: **وَإِنَّ** ва **أَنَّ** икковлари таъкид учундир.

Мисол: عَلِمْتُ أَنَّ زَيْدًا قَائِمٌ، إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ (Зайд қоим эканлигини билдим).

لَكِنْ (истидрок) тўғрилаш, тўлдириш учун келади/

Мисол: زَيْدٌ شَجَاعٌ لَكِنْ أَخَاهُ جَبَانٌ (Зайд шижоатли лекин акаси кўрқок).

كَأَنَّ мубтадони хабарга ўхшатиш учун келади/

Мисол: كَأَنَّ عَمْرًا جَالِسٌ (Амр худди ўтиргандек).

لَيْتَ (таманни) ушалмас орзу учун келади/

Мисол: لَيْتَ الشَّبَابُ عَائِدٌ (Ёшлик қайтмайдида!).

لَعَلَّ (тарожжи) умид қилиш учун келади/

Мисол: لَعَلَّ اللَّهَ يَرْحَمُنِي (Шоядки, Аллоҳ менга раҳм қилса), ёки (тавакқуъ) хавфсираш учун келади/

Мисол: لَعَلَّ الْعَدُوَّ قَرِيبٌ مِنَّا (Душман бизга яқин бўлса керак).

С: Истидрокнинг маъноси нима?

Ж: Истидрок бу – калом кетидан собит экани номаълум нарсани нафий қилиб келтириш ёки нафий эканлиги номаълум нарсани собит қилиб келтириш.

С: Таманнининг маъноси нима?

Ж: Маҳол нарсани ёки амалга ошиши жуда қийин нарсани иташ таманнидир.

С: Тарожжи ва тавакқуъ орасидаги фарқ нимада?

Ж: Тарожжи бу – яхши нарса бўлган ҳолда бўлиши мумкин нарсани иташ.

Таваққуъ бу – ёмон кўрилган нарсани содир бўлишини кутиш.

ظَنَّ ВА УНИНГ АХАВОТЛАРИ

С: ظَنَّ ва унинг ахавотлари нима амал қилади?

Ж: Улар мубтадо ва хабарга кириб, икковини насб қилади. Мубтадо биринчи мафъул, хабар иккинчи мафъул деб номланади.

С: ظَنَّнинг ахавотлари қайсилар?

Ж: Улар:

حَسِبْتُ، دَخَلْتُ، زَعَمْتُ، رَأَيْتُ، عَلِمْتُ، وَجَدْتُ، اتَّخَذْتُ، جَعَلْتُ، سَمِعْتُ.

С: Ушбу феъллар неча қисмга бўлинади?

Ж: Тўрт қисмга.

С: Улар қайсилар?

Ж: Улардан таҳмин қилишни англатувчилари тўртта:

ظَنَنْتُ، حَسِبْتُ، خَلْتُ، زَعَمْتُ.

Улардан яқинни англатувчилари учта:

رَأَيْتُ، عَلِمْتُ، وَجَدْتُ.

Улардан ўзгариш ва кўчишни англатувчилари икки дона: جَعَلْتُ، اتَّخَذْتُ.

Улардан нисбатни эшитиш орқали ҳосил бўлганини англатувчиси битта: سَمِعَ.

НАЪТ БОБИ

С: Луғат ва истилоҳ жиҳатидан наът нима?

Ж: Наът луғатда васф дегани.

Истилоҳда наът бу муштоққа ёки муштоққага таъвил қилинган тобеъ бўлиб, у ўз матбуъсини сифатлаб, очиб беради. Бундай сифатлаб беришда наът ўз матбуъсига маърифа ва накраликда мувофиқ бўлади.

С: Наът неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Улар қайсилар?

Ж: Наъти ҳақиқий, наъти сабабий.

С: Наъти ҳақиқий нима?

Ж: Наъти ҳақиқий бу манъутга оид бўлган мустатир замирни рафъ қилувчи нарсадир.

Мисол: جَاءَ زَيْدٌ الْعَاقِلُ (Оқил Зайд келди).

С: Наъти сабабий нима?

Ж: Наъти сабабий бу манъутга оид бўлган зоҳир муттасил замирни рафъ қилувчи нарсадир.

Мисол: جَاءَ عَمْرُو الْكَرِيمِ أَبُوهُ (Отаси карамли бўлган Амр келди).

С: Наъти ҳақиқий ўз манъутига қандай нарсаларда эргашади?

Ж: Наъти ҳақиқий ўз манъутига эъробда, маърифа ва накраликда, музаккар ва муаннасликда, муфрад, тасния ва жамъликда эргашади.

Музаккарликка мисол: رَأَيْتُ زَيْدًا الْعَاقِلَ (Оқил Зайдни кўрдим), муаннасликка мисол: رَأَيْتُ هِنْدًا الْفَاضِلَةَ (Фозила Ҳиндни кўрдим), таснияга мисол: رَأَيْتُ الرَّيْدَيْنِ الْعَاقِلَيْنِ (Икки оқил Зайдларни кўрдим), жамъга мисол: رَأَيْتُ الرِّجَالَ الْعُقَلَاءَ (Оқил кишиларни кўрдим).

С: Наъти сабабий ўз манъутига қандай нарсаларда эргашади?

Ж: Наъти сабабий ўз манъутига рафъ, насб ва жордан бирида эргашади, маърифа ва накрадан бирига эргашади, тасния ва жамъда эргашмайди.

Мисоллар: رَأَيْتُ الرَّبْدَيْنِ الْعَاقِلِ أَبُوهُمَا (Оталари оқил бўлган икки Зайдни кўрдим), رَأَيْتُ الْأَوْلَادَ الْعَاقِلِ أَبُوهُمْ (Оталари оқил фарзандларни кўрдим).

С: Наъти сабабий музаккар ва муаннасада нимага эргашади?

Ж: Наъти сабабий музаккар ва муаннасада ўзидан кейингига эргашади, мисоллар: رَأَيْتُ الْهِنْدَاتِ الْكَرِيمِ أَخُوهُنَّ (Акалари карамли бўлган Ҳиндларни кўрдим),

رَأَيْتُ الْأَوْلَادَ الْفَاضِلَةَ أُمَّهُنَّ (Оналари фозила бўлган фарзандларни кўрдим).

С: Маърифа нима?

Ж: Муайян нарсага далолат қилган лафз.

С: Маърифанинг қисмлари нечта ва улар қайсилар?

Ж: Маърифанинг қисмлари бешта:

1. Замир.
2. Алам.
3. Мубҳам исм, у икки навъдир: исми ишора, исми мавсул.
4. ال ила бошланувчи исм.

5. Юқорида зикр қилинганлардан бирортасига изофа қилинган исм.

С: Замир нима?

Ж: Мутакаллим, мухотаб, ғойбга далолат қилган нарса, мисоллар: أَنَا، أَنْتَ، هُوَ.

С: Алам нима?

Ж: Муайян нарсага қарийнасиз далолат қилган нарса, мисол:

زَيْدٌ، عَمْرٌو.

С: Исми ишора нима?

Ж: Ҳиссий ёки маънавий ишора ила муайян нарсага далолат қилиш учун таъйин қилинган нарса, ишора лафзлари: هَذَا، هَذِهِ، هَذَانِ، هَذَيْنِ، هَاتَانِ، هَاتَيْنِ، هَؤُلَاءِ.

С: Исми мавсул нима?

Ж: Исми мавсул ўзидан кейин келувчи жумла воситасида муайян нарсага далолат қилган нарса. Исми мавсулдан кейин келувчи жумла “сила” деб номланиб, унда исми мавсулга қайтувчи бир замир бўлиши шарт. Ушбу замир “оид” деб номланади.

Исми мавсул лафзлари: الَّذِي، الَّتِي ва бошқалар.

АТФ БОБИ

С: Луғат ва истилоҳ жиҳатидан атф нима?

Ж: Атф луғатда, майлдир.

Истилоҳда икки турлидир: атфи баён ва насқ атф.

С: Атфи баён нима?

Ж: Атфи баён жомид тобеъ бўлиб, у ўз матбуъсини ойдинлаштириб беради. Бундай сифатлаб беришда атфи баён ўз матбуъсига маърифа ва накраликда мувофиқ бўлади, мисол: **جَاءَ زَيْدٌ أَخُوكَ** (Аканг Зайд келди) (маърифага мисол), **مِنْ مَاءٍ صَدِيدٍ** (Йиринг сувдан...) (Иброхим сураси, 16-оят).

С: Атфи насқ нима?

Ж: Атфи насқ у – унинг ва матбуъси орасида ўнта ҳарфдан бири келган атфдир.

С: Ўнта ҳарфлар қайсилар?

Ж: **و، ف، ثُمُّ، أُو، أَم، إِمَّا، بَلْ، لَأ، لَكِنَّ، حَتَّى**.

С: ўнинг маъноси нима?

Ж: وَнинг маъноси мутлоқ жамъдир, мисол: جَاءَ زَيْدٌ وَ عَمْرُو, бунда Зайд ва Амрнинг келишлари биргаликда бўладими ёки кетма-кет бўладими фарқи йўқ.

С: وَнинг маъноси нима?

Ж: Тартиб ва кетма-кетлик.

С: Тартибнинг маъноси нима?

Ж: Иккинчи биринчидан кейин келиши.

С: Кетма-кетликнинг маъноси нима?

Ж: Бирор лаҳза ўтмасдан кетидан содир бўлиш.

С: Бунга мисол келтиринг?

Ж: Мисол: قَدِمَ الْفُرْسَانُ فَالْمُشَاهَةُ (Отлиқлар кетидан пиёдалар келди), Бунда пиёдалар бирор лаҳза ўтмасдан келганлар.

С: وَнинг маъноси нима?

Ж: Тартиб ва узоқ муддатлик.

С: وَнинг маъноси нима?

Ж: Ихтиёр қилиш ва (ибоҳа) танлаш.

С: Ихтиёр қилиш ва танлаш орасидаги фарқ нима?

Ж: Ихтиёр қилиш у – орасида жамъ қилиш жоиз бўлмаган икки нарсанинг бирини танлаш.

Мисол: **تَزَوُّجٌ هِنْدًا أَوْ أُخْتَهَا** (Ҳиндга ёки унинг синглисига уйлан), опа-сингилни бир никоҳда жамлаш жоиз эмас. Танлаш (ибоҳа) бу орасида жамъ қилиш жоиз бўлган икки нарсани бирининг танлаш, мисол: **أُدْرُسُ الْفِئَةِ أَوْ النَّحْوِ** (Фикҳни ёки наҳвни ўрган), албатта фикҳ ва наҳв илмларини жамласа бўлади.

С: **أُمِّ**нинг маъноси нима?

Ж: **أُمِّ**нинг маъноси истифҳом ҳамзасидан кейин таъйин қилишни талаб қилиш, мисол: **أَفْرَأْتُ النَّحْوَ أَمْ الصَّرْفَ** (Наҳв ўқидингми ёки сарф?).

С: **إِمَّا**нинг маъноси нима?

Ж: **إِمَّا**нинг маъноси **أَوْ**нинг маъноси кабидир.

Мисол: **تَزَوُّجٌ إِمَّا هِنْدًا وَإِمَّا أُخْتَهَا** (Ё Ҳиндга ёки унинг синглисига уйлан).

С: **بَلَّ**нинг маъноси нима?

Ж: **بَلَّ**нинг маъноси тескари маънога буриш (изроб).

С: **بَلَّ** ила атф қилиш учун нима шарт қилинади?

Ж: Бунда икки шарт бор:

1. У ила атф бўлган нарса жумла эмас, муфрад бўлиши.
2. Ундан олдин истифҳом келмаган бўлиши.

С: Тескари маънога буриш (изроб)нинг маъноси нима?

Ж: بَلдан олдин келган нарсани аслида у ҳақида гапирилмаган ҳукмида қилиш.

Мисол: جَاءَ زَيْدٌ بَلْ عَمْرُو (Зайд, йўқ балки Амр келди).

С: ۛнинг маъноси нима?

Ж: ۛнинг маъноси, ۛзидан олдинги собит бўлган ҳукмни ۛзидан кейингидан нафий қилиш.

Мисол: جَاءَ زَيْدٌ لَا عَمْرُو (Амр эмас, Зайд келди).

С: لَكِنнинг маъноси нима?

Ж: لَكِنнинг маъноси ۛзидан олдингини ҳукмининг зиддини ۛзидан кейинги учун собит қилиш.

Мисол: لَا يَنْجَحُ الْكُفَّاءُ لَكِنِ الْمُحْتَدُونَ (Дангасалар муваффақият қозонмайди лекин тиришқоқлар муваффақият қозонадилар).

С: ۛ ила атф қилиш учун нима шарт қилинади?

Ж: У ила атф қилинган нарса муфрад бўлиши ва ундан олдин و келмаслиги.

С: حَتَّى нинг маъноси нима?

Ж: حَتَّى нинг маъноси даражалаш (тадрийж) ва мўлжал қилинган ергача бориш (ғоя).

С: Даражалаш (тадрийж)нинг маъноси нима?

Ж: Ҳукми бирма-бир амалга ошиши, тадрийждир, мисол: **يَمُوتُ النَّاسُ حَتَّى الْأَخْيَارُ** (Инсонлар бирма-бир вафот топадилар ҳатто яхшилар ҳам).

С: حَتَّى қачон ибтидоий (жумла бошловчи) бўлади?

Ж: حَتَّى дан кейин жумла келса, у ибтидоий бўлади, **جَاءَ النَّاسُ حَتَّى زَيْدٌ حَاضِرٌ** (Одамлар келди ҳатто Зайд ҳам ҳозир бўлди).

С: Атф ҳарфларининг ҳукми нима?

Ж: Маътуф ва маътуф алайҳ орасидаги муштаракликни ифодалаш.

С: Маътуф ва маътуф алайҳ нималарда муштарак бўлади?

Ж: Рафъ, насб, жор, жазмларда маътуф ва маътуф алайҳ муштарак бўлади.

Мисоллар: قَامَ زَيْدٌ وَعَمَرُو، رَأَيْتُ زَيْدًا وَعَمْرًا، مَرَزْتُ بَرِيْدٍ وَعَمْرٍو، زَيْدٌ أَمْ يَفْئَمْ وَأَمْ يَفْعُدْ.

ТАВКИД БОБИ

С: Тавкид луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Тавкид луғатда “қувватлаш” маъносидадир.

Истилоҳда, тавкид икки навъдир: лафзий тавкид ва маънавий тавкид.

С: Лафзий тавкид ва маънавий тавкид орасидаги фарқ нимада?

Ж: Лафзий тавкид бу лафзни ўзгинасини ёки муродифини (синонимини) такрорлашдир.

Мисол: جَاءَ أَتَى زَيْدٌ، جَاءَ جَاءَ زَيْدٌ.

Маънавий тавкид шундай тавкиддирки, у ўз матбуъсидан эҳтимолни олиб ташлайди. Агар сен جَاءَ زَيْدٌ десанг, Зайднинг ўзи ёки унинг вакили келганининг эҳтимоли бўлади. Аммо сен جَاءَ زَيْدٌ نَفْسُهُ (Зайднинг айна ўзи келди) десанг бу эҳтимол йўқ бўлади.

С: Маънавий тавкидда ишлатилувчи лафзлар қайсилар?

Ж: النَّفْسُ، الْعَيْنُ، كُلُّ، أَجْمَعُ، أَكْتَعُ، أَبْتَعُ، أَبْصَعُ.

С: النَّفْسُ، الْعَيْنُ ила тавкид қилишда нима шарт қилинади?

Ж: Уларнинг иккови тавкид қилинаётган нарсага оид бўлган замирга изофа қилиниши шарт бўлади.

Мисол: جَاءَ زَيْدٌ نَفْسُهُ، جَاءَ عَمْرُو عَيْنُهُ.

С: كُلُّ اجماع, كُلُّ ила тавкид қилишда нима шарт қилинади?

Ж: Уларнинг икковлари такидланаётган нарсага мувофиқ замирга изофа қилиниши шарт бўлади.

Мисол: حَضَرَ الرَّجَالُ جَمِيعُهُمْ, جَاءَ الْجَيْشُ كُلُّهُ (Қўшин барчаси келди), (Кишиларнинг барчаси ҳозир бўлди).

С: اجمعون лафзи ундан олдин كُلُّ келмаган ҳолда ишлатиладими?

Ж: كُلُّ сиз اجمعون ила камдан-кам ҳолларда тавкид қилинади, бунга Рожизнинг қуйидаги сўзи мисолдир:

إِذَا ظَلَلْتُ الدَّهْرَ أَبْكِي أَجْمَعًا

Маъноси:

Узоқ давр қолсам барчани йиғлатгум.

С: اكنع, ابتع, ابصع лафзларининг ўзи ила тавкид қилиш жоизми?

Ж: Улар фақатгина **أَجْمَعُ**дан кейин уни қувватлаш учун келади, мисол: **جَاءَ الْقَوْمُ كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ أَكْتَعُونَ أَبْتَعُونَ أَبْصَعُونَ** (Қавмнинг барчалари жамъ бўлиб келишди).

С: Тавкиднинг ҳукми нима?

Ж: Тавкиднинг ҳукми ўз матбуъсининг эъробига у қандай бўлмасин эргашмоқлигидир.

БАДАЛ БОБИ

С: Бадал луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Бадал луғатда “эваз” дегани, истилоҳда воситасиз ҳолда ҳукм ила мақсад қилинган тобеъдир.

С: Бадалнинг ҳукми нима?

Ж: Бадалнинг ҳукми рафъда, насбда, жорда, жазмда мубдал минхуга мувофиқ бўлиши.

Рафъга мисол: **جَاءَ زَيْدٌ أَخُوكَ**.

Насбга мисол: **رَأَيْتُ زَيْدًا أَخَاكَ**.

Жорга мисол: **أَعْجَبَنِي عِلْمُ زَيْدٍ أَخِيكَ** (Аканг Зайднинг илми мени ажаблантирди).

Жазмга мисол: مَنْ يَشْكُرْ رَبَّهُ يَسْجُدْ لَهُ يَفُزْ (Кимки Роббисига шукр қилса – сажда қилса, нажот топади).

С: Бадал неча қисмга бўлинади?

Ж: Бадал тўрт қисмга бўлинади:

1. Бир нарсани бошқа нарса ила бадал қилиш (бадали кулл), мисол: جَاءَ زَيْدٌ أَخُوكَ.

2. Бутун нарсадан унинг баъзисини бадал қилиш (бадали баъз), мисол: أَكَلْتُ الرَّغِيفَ ثُلُثَهُ (Нонни учдан бирини тановул қилдим).

3. Бир нарсадан унинг ичида бўлган нарсани бадал қилиш (бадали иштимол), мисол: نَفَعَنِي زَيْدٌ عِلْمُهُ (Зайднинг илми менга фойда берди).

4. Мақсад қилмаган нарсасини айтиб қўйиб кейин уни айтишни мақсад қилган нарсаси ила бадал қилиш (бадали ғалат), мисол: رَأَيْتُ زَيْدًا الْفَرَسَ (Зайдни, отни кўрдим).

С: Бир нарсани бошқа нарса ила бадал қилиш (бадали кулл) қандай бўлади?

Ж: Бадал мубдал минҳунинг айни ўзи бўлади.

С: Бутун нарсадан унинг баъзисини бадал қилиш (бадали баъз) қандай бўлади?

Ж: Бадал мубдал минҳунинг бир жузъи бўлади. Бунда бадал мубдал минҳудан камроқ ёки тенг ёки кўпроқ бўлишининг фарқи йўқ.

С: Бир нарсдан унинг ичида бўлган нарсани бадал қилиш (бадали иштимол) қандай бўлади?

Ж: Бадал ва мубдал минҳу орасида алоқадорлик бўлиб бу алоқадорлик бадали кулл ва бадали баъздан фарқли бўлади. Шунингдек бадалга мубдал минҳуга қайтувчи бир замир изофа қилиниши шарт бўлади, мисол: **أَعْجَبَنِي زَيْدٌ عِلْمُهُ** (Зайнинг илми мени ажаблантирди).

С: Бадали ғалатнинг навълари нечта бўлади?

Ж: Бадали ғалатнинг навълари учта:

1. Бошлаш бадали (бадали бадаа`).
2. Ёддан чиқариш бадали (бадали нисён).
3. Адашиш бадали (бадали ғалат).

С: Ушбу бадаллар қандай бўлади?

Ж: Бошлаш бадали (бадали бадаа`) шундай бадалки, у ила бир нарсани мақсад қилиб айтасан, сўнгра бошқа нарса мақсад қилганингдан кўра яхшироқ эканлиги зоҳир бўлади ва уни бадал қиласан, масалан **هَذِهِ حَارِيَّةٌ بَدْرٌ** (Бу жория ойдир) дейсан, сўнгра **شَمْسٌ** (Қуёшдир) дейсан.

Ёддан чиқариш бадали (бадали нисён) шундай бадалки, гапни гумон ила бошлайсан, сўнгра хато қилганингни билиб, уни тўғрилаб бадал қиласан.

Масалан узокдан шарпа кўрганингда رَأَيْتُ إِنْسَانًا дейсан. Аммо у яқинлашганда у аслида от эканлигини кўрганингда فَرَسًا дейсан.

Адашиш бадали (бадали ғалат) шундай бадалки, бир каломни айтмоқчи бўласан, аммо тилинг адашиб бошқа нарсани айтиб юборасан. Сўнгра уни тўғирлаб, аслида ният қилган нарсангни айтиб бадал қиласан.

Мисол: رَأَيْتُ زَيْدًا عَمْرًا (Зайдни Амрни кўрдим).

ИСМЛАРНИ НАСБ ҚИЛУВЧИЛАР БОБИ

С: Исм нечта ўринда насб бўлади?

Ж: Ўн беш ўринда.

С: Уларни айтиб беринг?

Ж: 1. Мафъулун бих, мисол: رَأَيْتُ زَيْدًا.

2. Масдар, мисол: ضَرَبْتُ ضَرْبًا.

3. Зарфи макон, мисол: جَلَسْتُ أَمَامَ زَيْدٍ.

Зарфи замон, мисол: حَضَرْتُ يَوْمَ الْحَمِيرِ.

4. Ҳол, мисол: جَاءَ زَيْدٌ رَاكِبًا.

5. Тамйиз, мисол: **تُصِيبُ زَيْدًا عَرَقًا** (Зайднинг терлари томмоқда).

6. Мустасно, мисол: **جَاءَ الْقَوْمُ إِلَّا زَيْدًا**.

7. Музоф бўлган ёки унга ўхшаш бўлган ҳолида **إِنَّ**нинг амалини қилувчи нофия **ل**нинг исми.

Мисол: **لَا صَاحِبَ بِرٍّ مَمْنُونٌ** (Яхшилик эгаси ёмон кўрилмаган).

8. Музоф бўлган ёки унга ўхшаш бўлган мунодо, мисол: **يَا طَالِبَ الْعِلْمِ أَقْبِلْ عَلَيَّ دُرُوسِكَ** (Эй илм толиби дарсларингга кириш).

9. Мафъулун лиажлих, мисол: **ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا تَأْدِيًّا** (Зайд Амрни одоб бериш учун урди).

10. Мафъулун маъаҳ, мисол: **سِرْتُ وَالنَّيْلِ** (Нил бўйлаб юрдим).

11. **كَانَ** ва унинг ахавотларининг хабари, мисол: **كَانَ زَيْدٌ قَائِمًا**

إِنَّ ва унинг издошларининг исми, мисол: **إِنَّ عَمْرًا جَالِسٌ**.

12. Мансуб наът, мисол: **صَاحِبْتُ عَمْرًا الْعَاقِلَ**.

13. Мансубга маътуф, мисол: **ضَرَبَ زَيْدًا وَبَكْرًا** (Зайдни ва Бакрни урди).

14. Мансубнинг тавкиди, мисол: **فَرَأْتُ النَّحْوَ كُلَّهُ** (Нахвни барчасини ўқидим).

15. Мансубдан бадал, мисол: **رَأَيْتُ زَيْدًا أَخَاكَ** (Аканг Зайдни кўрдим).

МАФЪУЛУН БИҲ БОБИ

С: Мафъулун биҳ нима?

Ж: Мафъулун биҳ мансуб исм бўлиб, унга феъл собитлик ёки нафий қилиш жиҳатидан мутаъаллиқ бўлади/

Мисоллар: **لَمْ أَضْرِبْ عَمْرًا, أَكْرَمْتُ زَيْدًا** (Амрни урмадим, Зайдни икром қилдим).

С: Мафъулун биҳ неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга: зоҳир мафъул, замирдаги мафъул.

С: Замирдаги мафъул неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга: муттасил, мунфасил.

С: Мафъулун биҳ бўлган ҳолида воқеъ бўлувчи муттасил замирларнинг лафзи нечта?

Ж: Ўн икки лафз:

1. **ي** бўлиб, у бирлик мутакаллим учун келади. **ي** мутакаллим ва феъл орасини **و**ни виқоя ила ажратиш шарт бўлади, мисол: **أَكْرَمَنِي زَيْدٌ**.

2. **نَا** бўлиб, у ўзини улуғлаб гапираётган ёки мутакаллим билан яна бошқа одам бўлган ҳолатларда келади.

Масалан: **جَاءَنَا زَيْدٌ**.

3. بُؤْلِبِ، у муфрад музаккар мухотаб учун келади, мисол: أَكْرَمَكَ زَيْدًا.

4. بُؤْلِبِ، у муфрад муаннас мухотаба учун келади, мисол: أَطَاعَكَ ابْنُكَ يَا هِنْدُ (Ўғлинг сенга итоат этди эй Ҳинд).

5. بُؤْلِبِ، у музаккар ва муаннас мусанно мухотаб учун келади, мисол: أَكْرَمَكُمَا (Икковингизни икром қилди).

6. بُؤْلِبِ، у мухотаб музаккар жамъ учун келади, мисол: أَكْرَمَكُمُ (Барчангизни икром қилди).

7. بُؤْلِبِ، у мухотаба муаннас жамъ учун келади, мисол: أَكْرَمَكُنَّ (Сизларни (аёлларни) икром қилди).

8. بُؤْلِبِ، у муфрад музаккар ғоиб учун, мисол: أَكْرَمَهُ (Уни икром қилди).

9. بُؤْلِبِ، у муфрад муаннас ғоиба учун келади, мисол: أَكْرَمَهَا (Уни (аёлни) икром қилди).

10. بُؤْلِبِ، у музаккар ва муаннас ғоиб мухотаб учун келади, мисол: أَكْرَمَهُمَا (Икковини икром қилди).

11. بُؤْلِبِ، у ғоиб музаккар жамъ учун келади, мисол: أَطَاعَهُمْ (Уларга итоат этди).

12. بُؤْلِبِ، у ғоиба муаннас жамъ учун келади, мисол: أَكْرَمَهُنَّ (Уларни (аёлларни) икром қилди).

С: Мафъулун бих бўлгани ҳолда воқеъ бўлувчи мунфасил замирларнинг лафзи нечта?

Ж: Ўн икки лафз:

1. اِيَّايَ мутакаллим учун келади.
2. اِيَّانَا ўзини улуғлаб гапираётган ёки мутакаллим билан яна бошқа одам бўлган ҳолатлар учун келади.
3. اِيَّاكَ муфрад музаккар мухотаб учун келади.
4. اِيَّاكَ муфрад муаннас мухотаба учун келади.
5. اِيَّاكُمَا мухотаб мусанно учун келади.
6. اِيَّاكُم мухотаб музаккар жамъ учун келади.
7. اِيَّاكُنَّ мухотаба муаннас жамъ учун келади.
8. اِيَّاهُ муфрад музаккар ғоиб учун келади.
9. اِيَّاهَا муфрад муаннас ғоиба учун келади.
10. اِيَّاهُمَا ғоиб мусанно учун келади.
11. اِيَّاهُمْ ғоиб музаккар жамъ учун келади.
12. اِيَّاهُنَّ ғоиба муаннас жамъ учун келади.

МАСДАР БОБИ

С: Масдар луғат ва истилоҳ жихатидан нима?

Ж: Масдар луғатда, бир нарсдан кетиш ёки ўша нарсани кетказиш маъносида келади.

Истилоҳда, хабар бўлмаган ҳолида ўз омилига ёки навъига ёки ададига далолат қилувчи нарсадир.

Ўз омилини таъкидловчи масдарга мисол: فَهَمَّتُ الدَّرْسَ فَهَمًّا (Дарсни тушуниш ила фаҳмладим).

Навъини ойдинлаштириб берувчи масдарга мисол: سِرْتُ سَيْرَ ذِي رَشْدٍ (Тўғри йўл эгасининг юришини қилдим).

Ададини ойдинлаштириб берувчи масдарга мисол: سِرْتُ سَيْرَتَيْنِ (Икки марта сайр қилдим).

С: Мафъулун мутлоқ нима?

Ж: Масдар ёки унинг ўрнини босувчи ҳолида мансуб бўлган нарса мафъулун мутлоқдир.

Масалан масдарга изофа қилинган كُلُّ Каби/

Мисол: جَدَّ كُلِّ الْجَدِّ وَعَيْرَهَا (Қўлидан келганича ва ундан ортиқроқ тиришди).

С: Мафъулун мутлоқ сифатида насб бўлувчи масдар неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Улар қайсилар?

Ж: Улар: лафзий ва маънавий.

С: Улар орасида нима фарқ бор?

Ж: Феълнинг ўзидан олинган масдарнинг маъноси (аслий ҳарфлари бир бўлади) феъл билан мувофиқ келса, у лафзий бўлади, мисол: **فَعَدْتُ فَعُودًا**, феълнинг ҳарфлари билан масдар ҳарфлари фарқли бўлган ҳолда икковининг маъноси ўзаро мувофиқ бўлса, у маънавий бўлади, мисол: **فَعَدْتُ جُلُوسًا**.

ЗАРФИ ЗАМОН ВА ЗАРФИ МАКОН БОБИ

С: Зарф луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Зарф луғат жиҳатидан “идиш” маъносини билдиради.

Истилоҳда икки навъ бўлади: замонга хос зарф, маконга хос зарф.

С: Зарфи замон нима?

Ж: Доимийлик ила **في** маъносини ўз ичига олган ҳолда замонга далолат қилган исм зарфи замондир.

Мисол: **الْحَمِيسِ جِئْتُ يَوْمَ** (Пайшанба куни келдим).

С: Исми замон неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Таърифлаган ҳолда уларни санаб беринг?

Ж: 1. Хосланган исми замон. У чегараланган, муайян замонга далолат қилади, мисол: الشَّهْرُ، السَّنَةُ، الْيَوْمُ.

2. Мубҳам исми замон. У муайян бўлмаган, чегараланмаган замонга далолат қилади, мисол: الزَّمَانُ، الْوَقْتُ.

С: Замонга далолат қилувчи лафзлардан айтиб беринг?

Ж: Улар: الْيَوْمَ، мисол: صُمْتُ الْيَوْمَ (Бугун рўза тутдим).

لَلَّيْلَةِ، мисол: جِئْتُ اللَّيْلَةَ الْبَارِحَةَ (Ўтган кеча келдим).

عَدُوَّةَ، мисол: جَاءَنِي صَدِيقِي عَدُوَّةَ الْأَحَدِ (Дўстим якшанба куни эрталаб келди).

بُكْرَةَ، мисол: بُكْرَةَ الْجُمُعَةِ (Ҳузурингга жума куни келаман).

سَحْرًا، мисол: ذَاكَرْتُ دُرُوسِي سَحْرًا (Дарсларимни саҳарда такрорладим).

عَدَاً، мисол: جِئَنِي عَدَاً (Эртага кел).

عَتَمَةً، мисол: أَزُورُكَ عَتَمَةً (Кечқурун сени зиёрат қиламан).

صَبَاحًا، мисол: سَافَرَ زَيْدٌ صَبَاحًا (Зайд субҳда сафар қилди).

مَسَاءً، мисол: جَاءَ عَمْرُو مَسَاءً (Амр кечаси келди).

أَبَدًا، мисол: لَا أَصْحَبُ الْأَشْرَارَ أَبَدًا (Ёмонлар билан ҳеч қачон суҳбатдош бўлмайман).

أَمَدًا، мисол: لَا أَعْمَلُ الشَّرَّ أَمَدًا (Қасддан ёмонлик қилмайман).

حِينًا, мисол: صَاحِبْتُ زَيْدًا حِينًا مِنَ الدَّهْرِ (Кўпгина вақтдан бери Зайд билан суҳбатдошман).

С: Зарфи макон нима?

Ж: Доимийлик ила فِي маъносини ўз ичига олган ҳолда маконга далолат қилган исм зарфи макондир.

С: Зарфи макон неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Таърифлаган ҳолда уларни санаб беринг?

Ж: 1. Хосланган макон. У сурати бор, чегараланган худудга эга маконга далолат қилган исмдир, мисол: الدَّارُ.

2. Мубҳам макон. У сурати бўлмаган, чегараланмаган худудга эга маконга далолат қилган исм, мисол: وَرَاءَ، أَمَامَ.

С: Ушбу икки турдан қайси бири зарфият сабабидан насб қилинади?

Ж: Мубҳам макон зарфият сабабидан насб қилинади. Хосланган макон эса, мақсад қилинган нарсага далолат қилувчи ҳарфи жор ила жор қилинади.

Мисол: اِعْتَكَفْتُ فِي الْمَسْجِدِ (Масжидда эътикоф ўтирдим).

С: Маконга далолат қилувчи лафзлардан бир нечтасини санаб беринг?

- Ж:** 1. أَمَامَ, мисол: جَلَسْتُ أَمَامَ زَيْدٍ (Зайднинг олдида ўтирдим).
2. خَلْفَ, мисол: سَارَ الْمَشَاهُ خَلْفَ الرُّكْبَانِ (Пиёдалар отликлар кетидан юрдилар).
3. قُدَّامَ, мисол: مَشَى زَيْدٌ قُدَّامَ عَمْرٍو (Зайд Амрнинг олдида юрди).
4. وَرَاءَ, мисол: وَقَفَ الصُّفُوفُ بَعْضُهُمْ وَرَاءَ بَعْضٍ (Сафлар бир – бирлрининг орқасида тўхтадилар).
5. فَوْقَ, мисол: جَلَسْتُ فَوْقَ السَّرِيرِ (Ётоқ устида ўтирдим).
6. تَحْتَ, мисол: وَقَفَ الْقِطُّ تَحْتَ الْمَائِدَةِ (Мушук хонтахта тагида тўхтади).
7. عِنْدَ, мисол: لَزَيْدٍ مَنزِلَةً عِنْدَ عَمْرٍو (Зайднинг Амр ҳузурида ўз манзиласи бор).
8. مَعَ, мисол: سَافَرَ زَيْدٌ مَعَ عَمْرٍو (Зайд Амр билан сафар қилди).
9. إِزَاءَ, мисол: لَنَا دَارٌ إِزَاءَ النَّيْلِ (Нил бўйида ҳовлимиз бор).
10. حِذَاءَ, мисол: جَلَسَ أَحْيِي حِذَاءَ أَحْيِكَ (Акам акангни орқасида ўтирди).
11. تَلْقَاءَ, мисол: دَارُ زَيْدٍ تَلْقَاءَ دَارِ عَمْرٍو (Зайднинг ҳовлиси Амрнинг ҳовлиси рўпарасида).
12. تَمَّ, мисол: (وَأَزَلْنَا تَمَّ الْآخِرِينَ). оят
13. هُنَا, мисол: جَلَسَ زَيْدٌ هُنَا (Зайд шу ерда ўтирди).

ҲОЛ БОБИ

С: Ҳол луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Ҳол луғатда ҳолат ва ҳайъатни англатади.

Истилоҳда тўлдирувчи сифатида насб бўлиб келган ҳолда номаълум бўлган ҳайъатларни тафсир қилиб келувчи нарса ҳолдир.

С: Ҳолнинг қисмлари нечта ва улар қайсилар?

Ж: Ҳолнинг қисмлари учта:

1. Фоилнинг сифатини баён қилувчи, мисол: **جَاءَ عَبْدُ اللَّهِ رَاكِبًا** (Абдуллоҳ улов минган ҳолида келди).

2. Мафъулун бихнинг сифатини баён қилувчи, мисол: **رَكِبْتُ الْفَرَسَ مُسْرَجًا** (Отни эгарланган ҳолида миндим).

3. Фоилнинг ҳам мафъулун бихнинг ҳам сифатини баён қилиш эҳтимоли бор бўлган.

Мисол: **لَقِيْتُ زَيْدًا رَاكِبًا** (Зайдни улов минган ҳолида учратдим).

С: Ҳол жумлада нималарнинг ҳоли бўлиб келади?

Ж: Ҳол жумлада беш нарсдан ҳол бўлиб келади:

1. Фоил.

2. Мафъулун бих.

3. Хабар, мисол: أَنْتَ صَدِيقِي مُخْلِصًا (Сен менинг холис дўстимсан).

4. Ҳарфи жор ила мажрур бўлган исм, мисол: مَرَزْتُ بِرَيْدٍ فَأَيْمًا (Турган Зайнинг олдидан ўтдим).

5. Маълум шартлар билан изофа ила мажрур бўлган исм, мисол: أَنْ اتَّبَعَ مَلَّةً إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا (Иброҳимнинг ҳаққа мойил миллатига эргаш) (Наҳл сураси, 123-оят).

С: Ҳолда нима шарт қилинади?

Ж: Ҳолда икки нарса шарт қилинади:

1. Лафзан ёки таъвил қилинганда накра бўлиши.

Лафзанга мисол: جَاءَ زَيْدٌ رَاكِبًا.

Таъвил қилингандагига мисол: جَاءَ الْأَمِيرُ وَحْدَهُ (Амирнинг ёлғиз ўзи келди).

Ушбу мисолда وَحْدَهُ калимаси مُنْفَرِدًا таъвил қилинган.

2. Ҳолнинг феъл ва фоилдан сўнг, мубтадо ва хабардан сўнг келиши. Аммо ҳол исми истифҳом бўлса уни олдин келтириш шарт бўлади, мисол: كَيْفَ جَاءَ زَيْدٌ؟ (Зайд қай ҳолда келди?).

С: Ҳол эгасида нима шарт қилинади?

Ж: Ҳол эгаси накра бўлмасдан маърифа бўлиши шарт қилинади, аммо бирор узр бўлса ҳол накра келиши мумкин.

С: Ҳол накра келиши мумкин бўлувчи узрлар қайсилар?

Ж: Узрлардан масалан хол ўз эгасидан олдин келиши, мисол: **جَاءَ رَاكِبًا رَجُلٌ** (Улов минган ҳолида бир киши келди).

Яна изофа ёки васф ила хосланган бўлиши, изофага мисол: **فِي أَرْبَعَةِ أَيَّامٍ سَوَاءً** (...ризқини тўрт кунда ўлчовли этиб тақдир қилди. Бу сўровчилар учундир...) (Фуссилат сураси, 10-оят), васфга мисол шоирнинг ушбу сўзи:

بَحَيْتَ يَا رَبِّ نُوحًا وَاسْتَجَبْتَ لَهُ
فِي فُؤُكٍ مَاخِرٍ فِي الْيَمِّ مَشْحُونًا

Маъноси:

Нухга ижобат этдинг ва нажот бердинг,
Денгизда сузувчи ёғланган кемада эй Роббим.

ТАМЙИЗ БОБИ

С: Луғат ва истилоҳ жиҳатидан тамйиз нима?

Ж: Тамйиз луғатда икки маънода келади:

Биринчиси, тафсир қилиб бериш маъносида.

Иккинчиси, ишларни бир – биридан ажратиш маъносида.

Истилоҳда тўлдирувчи сифатида насб бўлиб келган ҳолда номаълум бўлган зот ва насабларни тафсир қилиб келувчи нарса тамйиздир.

С: Тамйиз нечта қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга.

С: Улар қайсилар?

Ж: 1. Тамйизи зот, муфрад тамйиз деб ҳам аталади.
2. Нисбат тамйизи, жумла тамйиз деб ҳам аталади.

С: Тамйизи зот нима?

Ж: Тамйизи зот бу исмдан ноаниқликни кўтарувчи нарса бўлиб, тамйиздан олдин ҳақиқат қисқача зикр қилинган бўлади. Тамйизи зот ададлардан кейин келади.

Мисол: **إِنَّ عِدَّةَ الشُّهُورِ عِنْدَ اللَّهِ اثْنَا عَشَرَ شَهْرًا** (Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида ойларнинг сони, Аллоҳнинг ҳузурида осмонлару ерни яратган куни ўн икки ой қилиб белгиланган) (Тавба сураси, 36-оят).

Вазнларда бўладиган миқдорлардан кейин келади, мисол: **إِشْتَرَيْتُ رِطْلًا زَيْتًا** (Бир ритл (ҳажм ўлчов бирлиги) зайтун ёғи сотиб олдим).

Ҳажмлардан кейин келади, мисол: **إِشْتَرَيْتُ أَرْدَبًا قَمْحًا** (Бир ардаб (ҳажм ўлчов бирлиги) сотиб олдим).

Масофалардан кейин келади, мисол: **إِشْتَرَيْتُ فِدَانًا أَرْضًا** (Бир фаддон (масофа ўлчов бирлиги) ер сотиб олдим).

С: Нисбат тамйизи нима?

Ж: Нисбат тамйизи бу жумладаги нисбат ноаниқлигини кўтарувчи нарсадир.

С: Унинг қисмлари нечта?

Ж: Ўзгартирилган ва ўзгартирилмаган тамйиз.

С: Ўзгартирилган тамйизнинг турлари нечта ва улар қайсилар?

Ж: Ўзгартирилган тамйизнинг турлари учта:

1. Фоилдан ўзгартирилган тамйиз, мисол: تَفَقَّأَ زَيْدٌ شَحْمًا (Зайд ёғ бсиб қолди).

Бу мисолнинг асли تَفَقَّأَ شَحْمٌ زَيْدٌ (Зайднинг ёғи кўпайди) бўлиб, фоил бўлган музоф ҳазф қилинган, кейин زَيْدٌ бўлган музофун илайҳ унинг ўрнига қўйилганда жор ҳолатидан شَحْمٌнинг рафъ ҳолатига ўтган. Сўнгра маҳзуф музофни тамйиз ҳолида насб қилиб келтирилган.

2. Мафъулун бихдан ўзгартирилган тамйиз.

Мисол: وَفَجَّرْنَا الْأَرْضَ عُيُونًا (Ва ердан отилтириб, булоқлар чиқардик) (Қамар сураси, 12-оят).

Бу мисолнинг асли فَجَّرْنَا عُيُونَ الْأَرْضِ (Ер булоқларини отилтириб чиқардик) бўлиб, унда ҳам юқоридаги мисолда бўлган нарса рўй берган.

3. Масдардан ўзгартирилган тамйиз, мисол: أَنَا أَكْثَرُ مِنْكَ مَالًا (Мен сендан мол жиҳатидан устунроқман) (Каҳф сураси, 34-оят).

С: Ўзгартирилмаган тамйизга мисол келтиринг?

Ж: Мисол: اِمْتَأَلِ الْاِنَاءُ مَاءً (Идиш сув ила тўлди).

С: Тамйизда нима шарт қилинади?

Ж: Тамйизда икки нарса шарт қилинади:

1. Накра бўлиши.

2. Фақатгина калом тугагандан сўнг келиши.

С: Фақатгина калом тугагандан сўнг келишининг маъноси нима?

Ж: Бунинг маъноси феъл ва фоил, мубтадо ва хабар батамом бир калом тузиб бўлганларидан кейин.

ИСТИСНО БОБИ

С: Луғат ва истилоҳ жиҳатидан истисно нима?

Ж: Истисно луғатан “чиқариш” маъносида. Истилоҳда اِلْتِزَامٌ ёки унинг ахавотларидан бўлган

бирор адот ила шу адот ила чиқаришдан олдин умумий ҳолда бўлган нарсани чиқариш истиснодир.

С: Истисно адотлари қайсилар?

Ж: Улар:

إِلَّا، غَيْرَ، سَوَى، سُوَى، سَوَاءً، خَلَا، عَدَا، حَاشَا.

С: Ушбу адотлар неча қисмга бўлинади ва улар қайсилар?

Ж: Ушбу адотлар уч қисмга бўлинади:

1. Доимо ҳарф бўлиб келувчи, у: إِلَّا.
2. Доимо исм бўлиб келувчилар, улар тўртта: سَوَى، سُوَى، سَوَاءً، غَيْرَ.
3. Гоҳида ҳарф, гоҳида исм бўлиб келувчилар, улар: خَلَا، عَدَا، حَاشَا.

С: Ўдан кейин воқеъ бўлувчи исм қандай ҳолатларда бўлади?

Ж: إِلاдан кейин воқеъ бўлувчи исм уч ҳолатда бўлиши мумкин:

1. Истисно сабабидан шарт равишда насб бўлади.
2. إِلاдан олдингига ундан бадал сифатида эъробда эргашади ёки истисно сифатида жоиз равишда насб бўлади.

3. **إِلاَّ**дан олдинги омил тақозо қилган ҳолатда бўлади.

С: **إِلاَّ**дан кейин воқеъ бўлувчи исм насб бўлиши қачон шарт бўлади?

Ж: **إِلاَّ**дан кейин воқеъ бўлувчи исм насб бўлиши калом тугал, ижобий бўлганда бўлади, мисол: **قَامَ التَّوْمُ إِلاَّ زَيْدًا** (Қавм турди илло Зайд турмади).

С: Калом тугал бўлишининг маъноси нима?

Ж: Калом тугал бўлишининг маъноси унда мустасно минҳу зикр қилинган бўлишидир.

С: Калом ижобий бўлишининг маъноси нима?

Ж: Калом ижобий бўлишининг маъноси каломдан олдин нафий ёки наҳий ёки истифҳом келмаслигидир.

С: **إِلاَّ**дан олдингига ундан бадал сифатида эъробда эргашиши ёки истисно сифатида жоиз равишда насб бўлиши қандай ҳолатларда бўлади?

Ж: Калом тугал бўлган ҳолда ундан олдин нафий ёки наҳий ёки истифҳом келганда, нафийга мисол: مَا قَامَ الْقَوْمُ إِلَّا زَيْدًا (Қавм турмади фақат Зайд турди).

Истифҳомга мисол: هَلْ قَامَ الْقَوْمُ إِلَّا زَيْدًا (Қавм турмади фақат Зайд турдими?)

Наҳийга мисол: لَا تَضْرِبِ الْقَوْمَ إِلَّا زَيْدًا (Қавмни урма фақат Зайдни ур).

Ушбу мисолларда истисно сифатида насб қилиш ёки бадал сифатида эъробда эргаштириш жоиз.

С: سَوَى، سَوَى، سَوَاءَ лардан кейин воқеъ бўлувчи исмларнинг ҳукми нима?

Ж: Уларнинг ҳукми фақатгина жордир.

С: سَوَى، سَوَى، سَوَاءَ лар қандай эъробланади?

Ж: إِلَّاдан кейин воқеъ бўлувчи исмнинг ҳукмини олади. Бунинг баёни юқорида ўтди.

С: عَدَا، حَاشَا лардан кейин воқеъ бўлувчи исмнинг ҳукми нима?

Ж: عَدَا، حَاشَا лардан кейин воқеъ бўлувчи исмнинг ҳукми уларни феъллар деб эътибор қилинган ҳолда насб қилиш жоиз бўлиши ва

уларни ҳарф деб эътибор қилинган ҳолда жор қилиш жоиз бўлишидир.

Мисол: قَامَ الْقَوْمُ خَلَا زَيْدًا، خَلَا زَيْدٍ

(Қавм турди фақат Зайд турмади).

ЖИНСНИ НАФИЙ ҚИЛУВЧИ ۋ

С: Жинсни нафий қилувчи ۋ қандай амал бажаради?

Ж: Жинсни нафий қилувчи ۋ ҳарфи ۋнинг амалини бажаради, яъни, ўз исмини насб хабарини рафъ қилади.

С: Жинсни нафий қилувчи ۋ ўз амалини бажариши учун қандай шартлар бор?

Ж: Бунда тўрт шарт бор:

1. ۋнинг исми накра бўлиши.
2. ۋга муттасил бўлиб келиши.
3. ۋнинг хабари накра бўлиши.
4. ۋ такрор келмаслиги.

С: Унинг исми нечта қисмга бўлинади, уларни санаб беринг?

Ж: Унинг исми учга бўлинади:

1. Муфрад.
2. Накрага музоф.
3. Музофга ўхшаш.

С: Барчасига мисол келтиринг?

Ж: Муфрадга мисол: *لَا رَجُلٌ فِي الدَّارِ* (Ховлида ҳеч ким йўқ), *لَا رَجُلَيْنِ فِي الدَّارِ* (Ховлида икки киши йўқ), *لَا رِجَالٌ فِي الدَّارِ* (Ховлида кишилар йўқ).

Накрага музоф бўлганга мисол: *لَا صَاحِبَ بِرٍّ مَمْقُوتٌ* (Яхшилик эгаси ёмон кўрилган эмас).

Музофга ўхшашга мисол: *لَا طَالِعًا جَبَلًا مَوْجُودٌ* (Тоққа чиқувчи мавжуд эмас).

С: Ушбу бобда “муфрад” деганда нима тушунилади?

Ж: Тасния бўлсин, жамъ бўлсин музоф ва музофга ўхшаш бўлмаган нарса муфраддир.

С: Музофга ўхшаш нима?

Ж: Музофга ўхшаш бу ўзидан кейинги лафзга омиллик жиҳатидан боғлиқлиги бўлган, мисол: *طَالِعٌ جَبَلًا* (Тоққа чиқувчи), ёки атф ила боғлиқлиги бўлган.

Мисол: لَا ثَلَاثَةٌ وَثَلَاثِينَ عِنْدَنَا (Ҳузуримизда ўттиз уч йўқ).

С: Ўнинг муфрад бўлган исмининг ҳукми нима?

Ж: Нима ила насб бўлса шунга мабний қилинади, фатҳага, мусаннода ي га, жамъи муаннаси солимда касрага.

С: Ўнинг музоф ёки музофга ўхшаш бўлган исмининг ҳукми нима?

Ж: Зоҳир фатҳа ила ёки унинг ўрнини босувчи ила насб қилиш.

С: Жинсни нафий қилувчи ل такрор келганда ҳукми нима бўлади?

Ж: Жинсни нафий қилувчи ل такрор келганда уни омил қилиш ҳам қилмаслик ҳам жоиз.

Мисол: لَا رَجُلٌ فِي الدَّارِ وَلَا امْرَأَةٌ (Ҳовлида эркак ҳам аёл ҳам йўқ), لَا رَجُلٌ فِي الدَّارِ وَلَا امْرَأَةٌ (Ҳовлида эркак ҳам аёл ҳам йўқ).

С: Жинсни нафий қилувчи ل дан кейин келган маърифанинг ҳукми нима?

Ж: Бу ҳолатда унинг амали бекор бўлади.

Мисол: لَا زَيْدٌ فِي الدَّارِ وَلَا عَمْرٌو (Ҳовлида Зайд ҳам Амр ҳам йўқ).

С: Ў ва исмининг орасини бир фосила ажратса, Ўнинг хукми нима бўлади?

Ж: Ўнинг амалини бекор қилиш ва уни такрор қилиш шарт бўлади, мисол: لَا فِيهَا غَوْلٌ وَلَا هُمْ عَنْهَا يُنْزَفُونَ (Ундан бош оғриғи ҳам, маст ҳам бўлмаслар) (Воқеъа сураси, 19-оят).

МУНОДО БОБИ

С: Мунодо луғат ва истилоҳ жиҳатидан нима?

Ж: Мунодо луғатда келиши, эътибор қилиши талаб қилинганга ишлатилади.

Истилоҳда يَا ёки унинг ахавотларидан бири ила унга нидо қилинганни билдиради.

С: يَاнинг ахавотлари нима?

Ж: يَاнинг ахавотлари бу يَا, мисол: أَزَيْدٌ أَقْبَلَ (Эй Зайд кел),

أَيُّ, мисол: أَيُّ عَمْرُو عِلْمٍ (Эй Амр ўргат),

أَيَّا, шоирнинг ушбу байти мисол:

أَيَّا شَجَرُ الْحَابُورِ مَا لَكَ مُورَقًا

Маъноси:

Эй Хобур дарахти, не бўлдики, сен барг тўкурсен!?

هَيَا, мисол: هَيَا زَيْدُ تَعَالَ (Эй Зайд бери кел).

С: Мунодо нечта қисмга бўлинади?

Ж: Мунодо беш қисмга бўлинади:

1. Муфрад алам, мисол: يَا زَيْدُ.

2. Нидо ила мақсад қилинган накра, мисол: يَا رَجُلُ. Бунда нидо қилинган кишининг айни ўзи ирода қилинади.

3. Мақсад қилинмаган накра, мисол: يَا غَافِلًا تَبَّهْ (Эй ғофил сергак бўл!).

4. Музоф, мисол: يَا صَاحِبَ عَمْرٍو اجْتَهِدْ (Эй Амрнинг дўсти тириш!).

5. Музофга ўхшаш, мисол: يَا مُحِبًّا لِلْخَيْرِ (Эй яхшиликни севувчи!).

С: Ушбу бобда “муфрад” деганда нима тушунилади?

Ж: Музоф ва музофга ўхшаш бўлмаган нарса муфраддир.

С: Нидо ила мақсад қилинган накра нима?

Ж: Нидо ила айни ўзи мақсад қилинган накрадир.

С: Мақсад қилинмаган накра нима?

Ж: Мақсад қилинмаган накрада нидо қилинади лекин муайян шахсга эмас, мисол: يَا غَافِلًا تَنْبَهْ.

С: Музофга ўхшаш нима?

Ж: Маъноси тугал бўлиши учун бирор калима муттасил бўлган нарсадир, унга ёпишган калима марфуъ бўлиши мумкин: يَا حَمِيدًا فَعُلُهُ (Эй феъли мақталган!), мансуб бўлиши мумкин: يَا حَافِظًا دَرَسَهُ (Эй дарсини ёд олгувчи!), мажрур бўлиши мумкин: يَا طَالِبًا لِلْعِلْمِ (Эй илм толиби!).

С: Муфрад алам мунодонинг ҳукми нима?

Ж: Унга нидо киришидан олдин нима ила рафъ қилинган бўлса ўшанга мабний бўлиш. Замма ила бўладими ёки унинг ўрнини босувчи ила бўладими фарқи йўқ, мисоллар: يَا زَيْدٌ، يَا زَيْدَانِ، يَا زَيْدُونَ.

С: Нидо ила мақсад қилинган накранинг ҳукми нима?

Ж: Унинг ҳукми муайян бир киши бўлганда муфрад алам кабидир, мисол: يَا رَجُلٌ, нима ила рафъ қилинса, шунга мабний.

С: Мунодо мақсад қилинмаган накра ёки музоф ёки музофга ўхшаш бўлса, унинг ҳукми нима?

Ж: Уч ҳолатда ҳам фатҳа ёки унинг ўрнини босувчи ила насб бўлади.

МАФЪУЛУН ЛАҲ БОБИ

С: Мафъулун лаҳ нима?

Ж: Мафъулун лаҳ мансуб исм бўлиб феълнинг воқеъ бўлишининг сабабини баён қилиб келади.

Мисол: فَصَدْتُكَ ابْتِغَاءَ مَعْرُوفِكَ (Яхшилигингни истаб сен томон йўналдим).

С: Мафъулун лаҳнинг бошқа номи борми?

Ж: У мафъулун мин ажлиҳ ва мафъулун лиажлиҳ деб ҳам номланади.

С: Мафъулун лаҳ бўлиб воқеъ бўлувчи исмда нима шарт қилинади?

Ж: Ўзидан олдингига иллат бўлган қалбий масдар бўлган ҳолида ўз омили ила вақтда ва фоилда бир бўлиши шарт қилинади.

С: Мафъулун лаҳ бўлиб воқеъ бўлувчи исмнинг нечта ҳолати бор ва улар қайсилар?

Ж: Уч ҳолати бор:

1. **ال** билан келиши, мисол: **ضَرَيْتُ ابْنِي لِلتَّأْدِيبِ** (Ўғлимни одоб бериш учун урдим).

2. Музоф бўлиши, мисол: **زُرْتُكَ مُحِبَّةً أَدَبِكَ** (Одобингни яхши кўрганим сабабидан сени зиёрат қилдим).

3. **ال** ва изофадан ҳолий бўлиши, мисол: **جَدَّ شُكْرًا** (Ташаккур сабабидан тиришди).

С: Ушбу уч ҳолатда мафъулун лаҳнинг ҳукми нима?

Ж: Ушбу ҳолатларда мафъулун лаҳни насб қилса ҳам ҳарфи жор ила жор қилса ҳам жоиз. Мафъулун лаҳ **ال** билан келганда асосан ҳарфи жор ила жор қилинади ва гоҳида насб қилинади. Агар **ال** ва изофадан ҳоли бўлиб келса асосан насб қилинади ва гоҳида ҳарфи жор ила жор қилинади. Агар музоф бўлиб келса иккала ҳолат ҳам бир ҳилда бўлади.

МАФЪУЛУН МАЪАХ БОБИ

С: Мафъулун маъах нима?

Ж: Мафъулун маъах феъл ёки феъл ва унинг ҳарфлари маъносини ўз ичига олган нарса ила мансуб бўлган

тўлдирувчи вазифасида келувчи исм бўлиб, ундан олдин **و**и маъийя (وَإِوَاءِ مَعِيَّةٍ) келган бўлади.

С: Ушбу таърифдаги исмдан мурод нима?

Ж: Таъвил қилинмаган сарийҳ исм.

С: Ушбу таърифдаги тўлдирувчидан мурод нима?

Ж: Гапнинг асоси бўлмаган (мубтадо, хабар бўлмаган) нарса.

С: Мафъулун маъахга нима омил бўлади ва улар нима?

Ж: Улар феъл ва феълга ўхшаш нарса, феълга мисол: **حَضَرَ الْأَمِيرُ وَالْجَيْشَ** (Амир кўшин билан биргаликда келди), феълга ўхшашга мисол: **الْأَمِيرُ حَاضِرٌ وَالْجَيْشَ** Амир кўшин билан биргаликда ҳозир бўлди).

С: **و**и маъийядан кейин воқеъ бўлувчи исм нечта қисмга бўлинади ва улар қайсилар?

Ж: **و**и маъийядан кейин воқеъ бўлувчи исм икки қисмга бўлинади:

1. Мафъулун маъах сифатида насб бўлиши таъйин бўлувчи исм.

2. Мафъулун маъх сифатида насб бўлиши жоиз бўлувчи ва ўзидан олдингига маътуфун алайҳ сифатида эъробда эргашувчи исм.

С: Аввалгиси ва кейингиси орасидаги фарқ нимада?

Ж: Аввалгисида **و** маъийядан олдинги нарса **و** маъийядан кейинги нарса ила амалда ўзаро боғлиқ бўлмайди, мисол: **ذَاكِرْتُ وَالْمِصْبَاحَ** (Чирок олдида ёд олдим).

Бу мисолда мутакаллим билан шамчирок биргаликда амални бажариши тасаввур этилмайди.

Кейингисида **و** маъийядан олдинги нарса **و** маъийядан кейинги нарса ила амалда ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин, мисол: **جَاءَ الْأَمِيرُ وَالْجَيْشَ**.

Бу мисолда **الجَيْشَ** мафъулун маъах сифатида насб бўлиши ёки маътуф сифатида рафъ бўлиши мумкин.

ИСМЛАРНИ ЖОР ҚИЛУВЧИЛАР БОБИ

С: Жор қилувчилар нечта қисмга бўлинади, уларни айтиб беринг?

Ж: Жор қилувчилар уч қисмга бўлинади:

1. Жор ҳарфи ила мажрур бўлганб, мисол: **نَظَرْتُ إِلَى زَيْدٍ** (Зайдга назар ташладим).

2. Изофа ила жор бўлгани, мисол: جَاءَ غُلَامٌ زَيْدٍ (Зайднинг ғуломи келди).

3. Тобеълик сабабидан мажрур бўлгани, мисол: مَرَزْتُ بِرَيْدٍ الْعَاقِلِ (Оқил Зайдни кўрдим).

С: Изофанинг холис ўзи нечта қисмга бўлинади, уларни санаб беринг?

Ж: Изофанинг холис ўзи уч қисмга бўлинади:

1. مِنْ маъносини ичига олган изофа.
2. فِي маъносини ичига олган изофа.
3. ل маъносини ичига олган изофа.

С: Ушбу уч қисмдан ҳар бирини тафсилоти билан айтиб беринг?

Ж: Биринчисида музоф музофун илайҳнинг бир жузъи ёки баъзиси бўлади, мисол: جُبَّةٌ صُوفٍ (Жундан бўлган жубба, яъни чакмон) (جُبَّةٌ مِنْ صُوفٍ).

Иккинчисида музофун илайҳ музофга зарф бўлади, мисол: بَلْ مَكْرُ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ (Кечаю кундузнинг макр-ҳийласи) (مَكْرٌ فِي اللَّيْلِ).

Учинчисида юқорида санаб ўтилган икки ҳолат мумкин бўлмайди, мисол: غُلَامٌ لَزَيْدٍ (غُلَامٌ زَيْدٍ).

Талаба фаҳмлаши учун амалга оширилган ушбу “Мухтасар” яъни, қисқа рисолачамиз шу ерда ниҳоясига етди. Набиййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, у кишининг аҳллари ва саҳобаларига Аллоҳнинг салоти ва кўпдан кўп саломлари бўлсин!